

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. _____ РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
Қўлёзма ҳуқуқида
УДК42:371.3

НОРИМОВА ГУЛЖАХОН АБДУГАНИЕВНА

**СТРИМИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ
ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(Инглиз тилини ўқитиш мисолида)**

13.00.02 – “Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси”

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: педагогика фанлари доктори, профессор Ш.А.Абдуллаева

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I-БОБ. СТРИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	12
1.1. Стрим технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида	12
1.2. Олий таълимда Стрим технологияларини ташкил қилишнинг илмий-методологик асослари	44
1.3. Инглиз тили машғулотида стриминг технологияларини ташкил қилишнинг дидактик тамойиллари	58
Биринчи боб юзасидан хулосалар.....	71
II-БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ СТРИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАЗМУНИ, ШАКЛ, ВОСИТА ВА МЕТОДЛАРИ	73
2.1. Олий таълимда инглиз тилидаги машғулотларини стрим технологиялари асосида ташкил қилиш мазмуни	73
2.2. Талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришда стрим технологияларининг ўзига хос хусусиятлари	85
Иккинчи боб юзасидан хулосалар.....	98
III БОБ. СТРИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ, НАТИЖАЛАРИ, САМАРАДОРЛИГИ	100
3.1. Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов методикаси	100
3.2. Стрим технологияларини татбиқ этиш бўйича ўтказилган тажриба-синов натижалари ва унинг самарадорлик даражаси	112
Учинчи боб юзасидан хулосалар.....	131
УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	133
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	135
ИЛОВАЛАР	140

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим амалиётида илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнига ахборот-коммуникацион технологияларнинг интеграци вакилларининг чет тилида касбий мулоқот юритишларига талаб ва эҳтиёжни янада кучайтирди. Жаҳоннинг етакчи университетларида чет тилларни махсус мақсадларда йўналтириб ўқитиш, мутахассисларнинг чет тилидаги касбий-соҳавий коммуникатив компетенцияларини ривожлантириш масалалари кенг тадқиқ қилина бошланди. Хусусан, стратегик соҳалардан бири ҳисобланувчи филология йўналишида мутахассисларнинг чет тилида касбий лаёқатга эга бўлишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий муассасаларида хорижий тилларни ўзлаштиришда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга доир инновацион фаолиятга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хорижий тилларни ўқитишда талабаларнинг коммуникатив компетентлигини ривожлантириш, глобаллашув шароитида инновация жараёнининг педагогик-психологик жиҳатлари, компетентли ёндашув нуқтаи назаридан талабаларда хорижий тил кўникмаларининг ривожланиш даражасини диагностика қилувчи технологияларни илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлмоқди.

Республикамизда сўнгги йилларда инглиз тилини чуқур ўқитишга катта эътибор қаратилиб, таълим жараёнини умумжаҳон таълим стандартларига мос равишда ташкил этиш мақсадида турли халқаро ташкилотлар билан алоқалар ривожлантирилмоқда. “Зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш

ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш, ёшларнинг хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқотда бўлишларини таъминлаш; нодир талант эгаларини тарбиялаб камолга етказиш ва шу аснода уларнинг ўз салоҳиятини дунё миқёсида намоён этишлари учун катта имконият яратилган”.¹ Шунингдек, инглиз тилини ўқитишда талабаларнинг лингвистик компетенцияларини ривожлантириш методикаси, тизими, лингводидактик таъминоти асосларини аниқлаштириш, репродуктив ва рецептив малакаларни мустақамловчи йўналишларда илмий тадқиқотларни амалга ошириш эҳтиёжи мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 май “2018-2025 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 143-сон қарори, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4391-сон қарори; 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Правда востока, 2017 йил 23 декабрь. – № 248 (28706). – Б. 2.

6108-сон Фармони; 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4884-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади [4,5,6, 8,9,10,11,12,13].

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда чет тилларни ўқитишда талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини инновацион методлар асосида ривожлантириш масалалари: М.Аминов, М.Арипова, Л.Т. Ахмедова, Г.Х.Бакиева[31,32,35,36]; чет тилларни ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш муаммолари: Ж.Ж.Жалолов, Г.Т.Маҳкамова, И.М.Тўхтасинов[63,87,114]; нофилологик йўналишларда тилларни ўқитиш муаммолари: С. К. Бойматова[42]; мутахассислик бўйича амалий машғулотларда бўлажак чет тили муаллимининг касбий-услубий малакаларини шакллантириш масалалари Х.Т.Мустафаева, Т.К. Саттаров [90,100]; божхона ва солиқ таълим йўналишлари талабаларининг давлат тилида касбий мулоқот юритиш компетенциясини ривожлантириш масалалари: Г.А.Асилова ва М.А.Бердиевалар томонидан ўрганилган [34,38].

Таълим тизимини бошқаришда инновацияларни узлуксиз жорий этиш масаласи бўйича М.А. Юлдашев, Ф.Р.Юзликаев [123,136] тадқиқот ишларини олиб боришган бўлса, таълим жараёнини ахборот-коммуникация воситалари асосида ташкил қилиш ва уларда муаммоли таълимни татбиқ этиш масалалари А.Абдукадиров, М.Лутфиллаевлар томонидан ўрганилган [26,130].

МДХ мамлакатларида мутахассисларнинг чет тилида касбий коммуникатив компетентлигини ривожлантиришни технологик муаммолари С.С. Арбузов, П.И.Пидкасистый, И.Т.Качан, Н.Ф.Коряковцева, С.С.Куклина [28,91,70,76,78]; чет тилларни ўқитиш масалалари О.Г.Полянов, Б.Е.Стариченко, М.Ф.Стронинлар томонидан ўрганилган [94,109,110].

Хорижий мамлакатларда бўлажак чет тили ўқитувчиларида касбий компетенцияларини ривожлантириш масалалари устида А.Wenden, В.G. Angelopoulos, D. M. Garyfallidou, G. S. Ioannidis, H.Bijnens, M.Bijnens, M.Vanbuel, D.L.Fried-Booth, R. Gairns, J.Nisbet [137,138,139,143,144,146] каби етук олимлар шуғулланганлар. Бироқ айнан стриминг технологиялари асосида чет тилларни ўқитиш жараёнида уларнинг касбий лаёқатларини ривожлантириш бўйича чет мамлакатларда санокли тадқиқотлар олиб борилган, республикамизда эса ҳали илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №71-07 “Олий таълим муассасаларида маънавий-касбий баркамол шахсни шакллантиришнинг педагогик технологиялари” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз тилини ўқитиш жараёнида стриминг технологиялари асосида 1-босқич талабаларида фанга оид (лексик, лингвистик) компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шахсий рақамли қурилма ва веб-камеранинг экранидан видео тайёрлаш, трансляция қилиш ва сақлашга кенг имконият яратувчи “стрим”, “стриминг”, “таълимий стриминг”, тушунчаларини инглиз тилини ўқитиш методикаси доирасида илмий жиҳатдан асослаш;

муаммо доирасидаги мавжуд илмий-педагогик, социологик, фалсафий манбаларни ўрганиш асосида назария ва амалиётдаги ҳолатини аниқлаштириш асосида 1-босқич талабаларида фанга оид (лексик, лингвистик) компетенцияларини ривожлантириш методикани такомиллаштириш;

стриминг (stream) технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантириш мазмуни, шарт-шароитлари, шакллари, воситалари ва услубларини аниқлаш;

талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилувчи, педагогик жараён самарадорлигини оширувчи илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш, самарадорлик даражасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1-босқич талабаларига стриминг технологиялари асосида фанга оид компетенцияларини ривожлантириш жараёни белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети 1-босқич талабаларига стриминг технологиялари асосида инглиз тилини ўқитишда лексик ва лингвистик компетенцияларини ривожлантиришнинг мазмуни, шакл ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий, таснифий, чоғиштирма таҳлил), диагностик (кузатиш, анкета сўровлари, назорат), прогностик (умумлаштириш, баҳолаш), педагогик эксперимент ва математик (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) усуллари фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

шахсий рақамли қурилма ва веб-камеранинг экранидан видео тайёрлаш, трансляция қилиш ва сақлашга кенг имконият яратувчи “стрим” ва “стриминг”, “таълимий стриминг” сўзларига муаллифлик нуқтаи назаридан таъриф берилган ва илмий асосланган;

муаммо доирасидаги мавжуд илмий-педагогик, социологик, фалсафий манбаларни ўрганиш орқали назария ва амалиётдаги ҳолати (подкастинг, хостинг) асосида аниқлаштирилган;

стриминг технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид (лексик, лингвистик) компетенцияларини ривожлантириш мазмуни (скринкастинг –подкастинг типи, кенг аудиторияга видео оқимни фойдаланувчи компьютеридан ёзув орқали узатиш, video screen capture- «экранни эгаллаш»)ни бойитиш асосида шакллари, воситалари ва улардан фойдаланиш услублари такомиллаштирилган;

стриминг технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилувчи, педагогик жараён самарадорлигини оширувчи илмий-методик тавсиялар индивидуаллаштирилган он-лайн курсларини ташкил қилиш орқали ишлаб чиқилган ва унинг самарадорлик даражаси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

003111 рақамли “ Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантириш (инглиз тилини ўқитиш

мисолида)» номли илмий ишланма ишлаб чиқилган ва олий таълим муассасалари амалиётига татбиқ этилган;

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантириш номли монография ишлаб чиқилган;

110-245 рақамли “Speaking extra topics” номли ўқув қўлланма барча бакалавр йўналишлари учун стриминг технологияларига оид инглиз тилидан таржима қилишга қаратилган машқ ва топшириқлар асосида ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашувлар ва усуллар, фойдаланилган назарий ва амалий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, аналитик ва экспериментал ишланмаларнинг самарадорлиги математик статистика методлари ёрдамида асослангани ҳамда олинган натижалар ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишида фойдаланилган илмий асосланган маълумотлар, тақдим қилинган методлар, технологиялар ҳамда тадқиқот давомида ишлаб чиқилган дастур, модел ва тавсиялардан қўлланмалар тайёрлаш, инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришда фойдаланиш имконияти билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти стриминг технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилувчи, педагогик жараён самарадорлигини оширувчи илмий-методик тавсиялар индивидуаллаштирилган онлайн курсларини ташкил қилиш орқали стриминг технологиялари мазмуни, шакллари, фойдаланиш воситалари ва услубларидан олий таълим

муассасаларида, инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

стриминг технологиялари ёрдамида инглиз тилидаги ўқув материалларини ўзлаштириш тизимини такомиллаштириш борасидаги фикр мулоҳазалардан “Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантириш (инглиз тилини ўқитиш мисолида)” номли илмий ишланма яратишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал Мулк Агентлигининг №003111 гувоҳномаси олинган. Натижада, талабаларнинг билимларини яхшилашга ва замонавий техник воситалардан фойдаланишни ўқув жараёнига киритиш талабаларнинг ижобий ўрганиш мотивациясини шакллантиришга хизмат қилган;

стриминг технологияларига асосланган ўқув ахборотини ўзлаштириш контенти (мотивацион, илмий-педагогик, ўқув)га оид илмий хулосалардан бакалавр талабалари учун “Speaking extra topics” номли ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-245-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларга стриминг усули асосида инглиз тилини ўқитиш орқали уларнинг грамматик ва лексик компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилган;

талабаларда стриминг технологиялари асосида ўқув фаолиятини когнитив, технологик, ижтимоий-коммуникатив ва рефлексив босқичларини такомиллаштириш бўйича кенг аудиторияга узатиш, video screen capture- “экранни эгаллаш”; қисқа видео ёзувларни саралаш; узлуксиз видео стрим (хужжатли, ўқув ва ҳ.к)лардан фойдаланишга оид

тавсиялардан ОТ-Атех-2018-519-“Компьютер имитацион моделлар асосидаги виртуал ресурсларни веб иловасини дастурий таъминотини яратиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга ошириш жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 3 февралдаги 89/03/615-сон маълумотномаси). Натижада, скринкастинг, подкастинг шакллари, воситалари ва улардан фойдаланиш услублари илмий жиҳатдан асосланган, тизимлаштирилган лексик ва грамматик компетенцияларини таълимнинг трендини ривожлантириш такомиллаштирилган;

талабаларнинг фанга оид лексик ва грамматик компетенцияларини ривожлантиришда скринкастинг (намойиш қилиш) ва подкастинг (қайта трансляция қилиш) технологияларидан фойдаланишнинг самарали механизмига оид таклифлардан 2020-207-сонли Arkansas Spring International Language Center “English language capacity building project” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 3 февралдаги 89/03/615-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг ва виртуал ўқитувчиларнинг фанга оид лексик, грамматик компетенцияларини ривожлантиришга ва таълим мазмуни трендлари, дидактик шакллар (аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар) асосида такомиллаштиришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий-услубий иш, жумладан 1 та монография, 1 та илмий ишланма, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола (3 та республика ва 1 та хорижий журналда), SCOPUS базасидаги журналда 2та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 137 саҳифани ташкил этади.

I-БОБ. СТРИМИНГ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув- билув фаолиятини ривожлантириш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида мутахассисларнинг ўз касбига бўлган компетентлигини ошириш, ижтимоий фаоллигини интеллектуал ахборот тизимлари орқали кенгайтириш (e-learning концепцияси) асосида тил ўрганиш лаёқатини оширишга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантиришнинг илмий- назарий асосларини ўрганиш, замонавий талаблар асосида уларни такомиллаштириш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигининг уйғунлигини илмий жиҳатдан асословчи таклифларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чет тилларни мукамал эгаллаган рақобатбардош кадрларни тайёрлаш ва шу аснода уларнинг глобализация шароитларида ижтимоий-маданий соҳаларда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи таълим масканларида олиб борилмоқда. Жумладан, бўлажак мутахассисларнинг универсал компетенцияларини ривожлантириш бўйича Гарворд университети (АҚШ), Харпер Адамс университети(Англия), Понселе университети (Франция)да тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда олий таълим тизимидаги туб ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири чет тилларини ўқитиш, мазкур жараёнга инновацион шакл, восита ва усулларни жорий этиш,

бунинг учун махсус тайёргарлиги мавжуд бўлган педагогик кадрларни етиштиришдан иборатдир.

2020 йилнинг 23 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни имзоланди. Ушбу қонунга биноан, инновацион технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан таълим жараёнида фойдаланиш аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган [2].

2012 йилнинг 10 декабрда “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда рақобатбардош кадрларга бўлган замонавий талаб ортиб бораётганлиги таъкидланади ва мана шундай кадрларни шакллантириш таълим тизимининг бош вазифаларидан бири эканлиги ҳақида сўз кетади [3].

Мамлакатимизда таълим соҳасига оид чиқарилган барча қарорлар ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялар, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, чет эл тажрибасини инобатга олган ҳолда таълим жараёнини янги мазмунда ташкил қилиш учун янги ўқув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқиш, уларда анъанавий таълим услубларидан воз кечиб, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича соатлар кўпайтирилишини таъминлаш белгилаб қўйилди [12,13,14,18].

Бугунги кунда ўқитувчи шахси давлат томонидан таълим ислохотлари жараёнида белгиланган барча устувор вазифаларни амалга оширишда бош субъектлардан бири-модератор, фасилитатор сифатида майдонга чиқмоқда. Шунингдек, сўнгги йиллар ичида инглиз тилини ўқитишни жадаллаштириш ва ривожлантириш бўйича бир қатор ўта муҳим давлат ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, мана шу ҳужжатларда

белгиланган барча долзарб вазифаларни бугунги кунда амалга ошириш тақозо этилмоқда.

Таълим тизимига инновацион ғояларни татбиқ этиш тизим, механизм ва технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бораётган бир пайтда стрим технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантириш муҳим бўлиб ҳисобланади.

2017 йил 15 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам мамлакатда янги мазмундаги узлуксиз таълим тизимини яратиш вазифаси қўйилди, унинг таркибида эса янги мазмун ва моҳиятдаги инновацион олий таълим тизимини шакллантириш бош йўналиш сифатида белгилаб олинди [4]. Бинобарин, таълим тизимида инновацион жараёнлардан бири ҳисобланмиш стриминг технологияларини жорий қилиш педагогик жараён самарадорлигини оширишини таъминлашга хизмат қилади.

2017 йилнинг 7 августидан таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида республикамизнинг 10-11 синфлари учун давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ қилинди. Бироқ, чет тилларни ўрганишни ташкил қилишнинг амалдаги ҳолати, олий таълим тизимидаги инглиз тили ўқитувчиларининг фаолиятини таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар замон талабларига, хусусан, илғор ахборот ва медиа-технологиялардан фойдаланиш, масофавий таълимни ташкил этиш борасидаги талабга тўлиқ жавоб бермаяпти. Таълим асосан анъанавий услубларда олиб борилмоқда. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз, шу жумладан масофавий ўрганишни ташкил қилиш

янада такомиллаштирилиши лозим бўлган жараён сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 6- ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108 ва “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон ҳамда 2021-йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4963-сон Қарорлари [12,13,14] ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, раҳбар кадрларни танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини тадбиқ этиш йўли билан халқ таълими тизимида кадрлар сиёсатини шакллантиришнинг замонавий тамойилларини жорий этиш бўйича белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда педагог кадрларда креативлик, инновацион компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қатор вазифалар ижроси таъминланмоқда. Шу долзарблик асосида мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизими, шу жумладан, олий таълим жараёнида педагогик самарадорликни таъминлашнинг муҳим жабҳаларидан бири стриминг технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилувчи ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Педагогнинг инновацион педагогик фаолиятларини ташкил қилмасдан туриб, замонавий талабларга жавоб берадиган етук ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаб бўлмайди. Олий таълим тизимида инглиз тили ўқитувчиларига бўлган замонавий талаб – ўқитувчиларнинг доимий ва мунтазам равишда тил назарияси ва амалиёти, унинг методологияси бўйича ўз малакаларини ошириб бориш,

таълимда инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш талабларини амалга ошириш, унинг узвийлиги, узлуксизлиги, халқчиллиги ва модернизациялашувини таъминлаш, давлатлараро халқаро ва регионал ҳамкорлик ўсаётган бир шароитда кадрларнинг давлатлараро мулоқотга тайёрлигини таъминлаш, ўз лингво-маданий билим, кўникма ва малакаларини доимий янгилаб бориш, таълим беришда мотивация, реализация ва рефлексия малакаларини тўлиқ эгаллаган бўлишлари талаб этилади.

XXI асрда жамият тараққиётининг омилларидан бири-рақамлаштириш инсон ҳаётининг барча соҳаларига таъсир кўрсатмоқда. Ахборот жамияти шаклланиши билан таълим соҳасида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда «Таълимни электрон ривожлантириш» миллий лойиҳаси доирасида замонавий рақамли таълим муҳити устувор вазифа сифатида амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ўқитувчилар таркибини тайёрлаш тизимининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш натижасида таълимни рақамлаштиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Биринчидан, замонавий техник воситалар ва таълим технологияларининг жуда хилма-хиллиги ҳар доим ҳам замонавий ўқитувчиларнинг (айниқса, «технологик бўлмаган» фан ўқитувчиларининг) ахборот билан ишлаш компетенцияси даражасига тўғри келмаслиги; бу эса янги технологияларни ўқув жараёнида мунтазам ва самарали ишлатиш самарадорлигини пасайишига олиб келиши.

Учинчидан, келажакдаги ўқитувчиларни тайёрлайдиган педагогик университетларнинг ҳақиқий техник имкониятлари кўпинча замонавий мактабнинг техник жиҳозларидан сезиларли даражада орқада қолмоқда.

Тўртинчидан, бўлажак ўқитувчиларни ихтисослашган электрон таълим ресурслари билан ишлашга жалб қилинмаганлиги, тегишли

педагогик, эргономик, технологик талаблар билан таниш эмаслиги, бу эса таълим соҳасида замонавий техник воситалардан фойдаланиш, тегишли педагогик тажриба алмашиш бўйича муайян маълумотларни олишга йўналмаганлиги.

Стрим технологияси дастлаб компьютер ўйинлари мухлислари орасида пайдо бўлган [29,4-б.]. Кўпинча, геймерлар ушбу технологиядан бошқа ўйинчиларга геймлардан муайян қийин қисмидан қандай ўтиш лозимлигини кўрсатиш учун фойдаланадилар. Бунда баъзи геймерлар содир бўлаётган воқеаларни компьютер экранига ёзиб олишади ва бошқа фойдаланувчилар учун ушбу видеони Интернетга юклашади. Бу амалиётнинг афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, ёзув ёзишдан олдин, бошқа ўйинчиларга ўйин муаммосини ҳал қилишнинг энг самарали усулини кўрсатиш учун ўйин босқичидан бир неча марта ўтиш керак (ўзи билганидек, такрорлаш ёдлаш ва махсус кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради);

иккинчидан, геймер томонидан яратилган таркибни кўрган фойдаланувчилар муаммонинг визуал ечимини кўришади ва аввалгисининг муваффақиятли тажрибасидан фойдаланган ҳолда уни такрорлашлари мумкин.

Рақамли таълим муҳити ресурсларидан фойдаланган ҳолда (масалан, замонавий мобил қурилмалар, гаджетлар, интерактив ускуналардан фойдаланиш, подкастинг, скринкастинг, стрим ва кенгайтирилган реал технологияларидан, шунингдек веб-хизматлардан, мобил иловалардан ва альтернативадан фойдаланган ҳолда универсал муаллифлик ўқитиш усуллари бўйича дастурий таъминотнинг етишмаслиги муҳим муаммо ҳисобланади. Юқорида келтирилган муаммоларнинг мавжудлиги билан боғлиқ равишда замонавий шароитларда педагогик университетлар олдида таълим соҳасидаги ўзгаришларга тезкорлик билан жавоб бера оладиган ва

касбий фаолиятга рақамлаштириш шароитида мослаша оладиган келажакдаги ўқитувчиларни тайёрлаш ва мавжуд педагог кадрларни қайта тайёрлаш вазифаси қўйилган. Тадқиқот мавзуси доирасида таълим жараёнида стрим технологияларидан фойдаланишнинг хорижий педагогик тажрибаси таҳлил қилинганида, чет эллик тадқиқотчилар интернет маълумотлар оқида оммавий ахборот воситаларини таълим жараёнида қўллаш ва уларнинг ўқитиш назарияси ва амалиётига таъсири масалаларини ўрганишганлиги аён бўлди. Хусусан, уларнинг изланишларида мавжуд таълим мазмунидан фойдаланиш усуллари ҳамда мустақил оммавий ахборот воситаларини яратиш ёндашувлари кўрсатилган.

Шуни таъкидлаш керакки, хорижий адабиётларда стрим технологиясидан таълим жараёнида фойдаланиш 2000-йилларнинг бошидан бошлаб фаол муҳокама қилинмоқда. [138,140,150]. Таълимдаги оммавий ахборот воситалари ва уларнинг ўқитиш назарияси ва амалиётига таъсири масалалари 2005 йилда Европа Таълим Комиссияси кўмаги билан тайёрланган энг яхши намуналар ва натижаларнинг дастлабки кузатувлари таҳлилларида: «ўқув жараёнида стрим воситаларидан фойдаланиш усуллари»нинг қуйидаги таснифи тақдим этилади:

1. мавжуд видеодан фойдаланиш: қисқа видео ёзувларни саралаш; узлуксиз видео стрим (ҳужжатли, ўқув ва ҳ.к); педагогик жиҳатдан қимматли стрим воситаларини излаш; таълим манбаларига эга бўлган онлайн медиа-кутубхоналарга кириш;

2. мустақил оммавий ахборот воситаларини яратиш (ўқитувчи ва таҳсил олувчилар томонидан): маълум бир мавзунини график намойиш қилиш ва видеоматериал яратиш; аудиториядан ташқари тадбирларнинг тақдимоти ва оқим видеосини яратиш; қисқа видеоклип тақдимоти;

3. узун видеоларни тахрирлаш ва қайта ишлаш орқали қисқа видеороликлар яратиш; педагогик мақсадлар учун узокроқ оқим видеоларини яратиш; 4. «виртуал медиа кутубхонаси» ни видео ёзувлар билан тўлдириш (ўқитувчи ва талабалар биргаликда ўз ресурсларидан фойдаланадилар) [16,17].

Ҳозирги пайтда замонавий таълимга тааллуқли нисбатан оз миқдордаги тадқиқотлар ушбу мавзуга бағишланган. Жумладан, Б. Г. Ангелопулос, М. Н. Ишемгулов, В.В. Сафонова, О. Г. Шарабайко изланишларида таълим жараёнига стрим технологияларини жорий этиш масалаларига эътибор беришган [138,67,101,121]. Масалан, С. С. Арбузов, Б.Е.Стариченколар томонидан информатика соҳасида стрим технологияларидан фойдаланиш масалалари ўрганилган [30,109].

Таълим соҳасига келсак, кўриб чиқилаётган технология бу ерда ҳам самарадорлигини кўрсатмоқда.


С. С. Арбузов ўқув жараёнидаги стрим технологиясини “Интернетдаги замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланган ҳолда масофавий ўқитиш пайтида аудиовизуал маълумотларни шахсий рақамли қурилма ва веб-камеранинг экранидан тайёрлаш, трансляция қилиш ва сақлаш усуллари тўплами” деб таърифлайди [30,55-б.].

Мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш учун бугунги кунда ҳар соҳада бўлгани каби таълим тизимида, шу жумладан олий таълимдаги инглиз тили машғулотларида ахборот-коммуникация ва технологик инновациялар ривожидида стриминг технологияларини кенг жорий этиш зарур талабга айланмоқда.

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш кўп жиҳатдан бўлажак кадрларнинг келгусидаги касбий фаолиятга тайёрлик даражаси, уларнинг инглиз тилидаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллаганлиги, кундалик таълим

тизимда яратувчилик хусусиятлари билан, таълимдаги сифат ва самарадорлик билан белгиланади. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал ривожланиши онлайн таълим курсларини, бакалавриат дастурлари учун ўқув модулларини ўқитишнинг янги услублари, шакллари ва технологияларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Стрим (инглизчада: “stream”- “оқим”) - фойдаланувчи томонидан маълумотларни узатиш орқали олинган видео ёки аудио кетма-кетлигида қабул қилинган маълумот, ахборотдир. Шунингдек, ушбу атама Интернет фойдаланувчилари томонидан видеохостингда жонли эфир учун тушунча сифатида ишлатилади. Стриминг (stream) - масофавий ўқитиш пайтида Интернетдаги замонавий телекоммуникация хизматларидан фойдаланган ҳолда аудио рақамли маълумотни шахсий рақамли қурилма ва веб-камеранинг экранидан тайёрлаш, трансляция қилиш ва сақлаш усуллари мажмуи тушунилади (1.1-расм).



1.1-расм. Масофавий таълимда стриминг технологияларидан фойдаланиш

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолияти инглиз тилидан билим, малака, кўникма, компетенцияларни эгаллаш жараёни бўлиб, янги кадрларни етиштиришга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий тадбирлар йиғиндиси (1.2-расм). Шунга кўра, ўқитувчи таълим жараёнига белгиланган инновацион стриминг ғояларини мақсадли кириб боришини таъминлаши керак.



1.2-расм. Стриминг технологияларидан фойдаланиш компонентлари

Расмда ифодаланганидек, рақамли технологияларнинг ривожига замирида стриминг технологиялари интернетдан олинган маълумотни ёзиб олиш, сақлаш, уларни таҳрирлаш, яна қайтариб трансляция қилиш имконини беради. Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш долзарб масалалар сирасига киради ва у қуйидагиларда ўз ифодасини топади:


Ўқитиш технологияларни қўллаш ва улар асосида янги мазмундаги турли ахборот-коммуникацияларига асосланган методик қўлланмалар, дарсликлар, ишланмаларни, чет тиллар бўйича инновацион педагогик технологияларни ёзиб олиш, таҳлил қилиш, зарур ҳолатда яратиш;

жаҳон миқёсида инновацион педагогика ва янги мазмундаги ахборот-коммуникацион технологияларнинг кенг ривожланиб бораётганлиги, уларни педагогик амалиётга қўллашга нисбатан эътиборнинг кучайиши, инновацион педагогик тамойиллар замонавий педагогик илм тараққиётининг бош омилларидан бири бўлиб, кенг тарқалаётганлиги, бироқ миллий педагогик жараёнда масофавий таълим мазмуни, қўлланилиш методлари ва усуллари ҳар бир предмет ва уни ўқитиш хусусиятлари, шарт-шароитлари, муҳити ва мақсадлари нуктаи назаридан педагогик мазмуни тўла акс этмаганлиги, миллий педагогикада инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш жараёнининг оқсаётганлиги, илғор педагогик технологияларни таклиф этиш жараёнини такомиллаштириш ва жадаллаштириш зарурлиги, мавзунинг назарий ва амалий жиҳатлари, шу жумладан олий таълим тизимида чет тилларни ўқитишнинг бугунги замонга мос педагогик андозаси, методологияси ва технологиясини ишлаб чиқиш зарурияти мавжудлиги;

Ўқитувчи фаолиятига нисбатан замонавий жамиятлар учун зарур энг ноёб бўлган захира бойлик, яъни “инсон капиталини” бунёд қилувчи асос сифатида қаралаётганлиги, бироқ айрим олий таълим муассасаларида

Ўқитувчининг масофавий олиб бораётган фаолиятини янги мазмунда ташкил қилишга етарлича эътибор берилмаётганлиги;

таълим жараёнида педагогик самарадорликни таъминлашнинг муҳим жабҳаларидан бири- фойдаланувчи томонидан маълумотларни узатиш орқали олинган видео ёки аудио кетма-кетлигида қабул қилинган маълумот, ахборотлар билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжнинг ошиши. Мазкур вазифани амалга ошириш учун стриминг технологиялари таълим жараёни сифати, унинг замонавий билимлар ва инновацион шакл ҳамда мазмун билан таъминланганлиги, унинг моҳиятини мунтазам тарзда такомиллаштиришни тақозо этади (1.3-расм).



1.3-расм. Стриминг технологиялари вазифалари

Таълим фаолиятида стрим технологияларидан фойдаланишнинг асосий ғояси қуйидаги ҳаракатлар кетма-кетлигини бажаришдир.

1. Онлайн ўқув курсининг янгиликлар лентасида жонли эфирнинг тахминий санаси ва вақти тасвирланган келгуси трансляция учун мавзулар рўйхатини нашр этиш, шунингдек, келгуси учрашувлар олдидан танишиш учун керакли хужжатларни илова қилиш мумкин. Шунини таъкидлаш керакки, агар биз келажакда ИП ва технологиялар соҳасида

мутахассисларни тайёрлаш ҳақида гапирадиган бўлсак, у нафақат ўқитувчидан, балки талабаларнинг ўзларидан ҳам трансляция қилиниши мумкин.

2. Материалларни тайёрлаш, трансляция учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, дастурлар ва хизматларни созлаш, янгиликлар дисплейга ҳавола қўшиб, янгиликлар лентасида келгуси трансляция тўғрисида аниқроқ маълумотларни нашр этиш.

3. Стреаминг трансляциясини реал вақт режимида ўтказиш, иштирокчилар орасида гуруҳ суҳбати режимида мулоқот қилиш мумкин.

4. Стреаминг трансляцияси тугаши билан автоматик равишда тайёр скриншот яратилади, уни таҳрирлаш мумкин (шарҳлар қўшиш, кераксиз лаҳзаларни олиб ташлаш ва ҳк) ва уни онлайн ўқув курси материалларига қайта юклаш мумкин.

Фанларни ўқитишда скринкастидан фойдаланиш ҳақида батафсилроқ маълумот С. С. Арбузов, Б. Е.Стариченколарнинг ишларида баён этилган [29,109]. Таълим фаолиятида стрим технологияларидан фойдаланиш усуллари лойиҳалаштириш учун А. В. Слепухин, И. Н. Семенова томонидан таклиф қилинган ғоялар, “Аралаштирилган таълим моделида АКТдан фойдаланишнинг ўқитиш усуллари ва усуллари лойиҳалаш” жадвалидан фойдаланилган [104].

А. В. Слепухин, И. Н. Семеновалар “Проектирование методов обучения и методов использования ИКТ в смешанной модели обучения” [104,89-б.]. Мавзусидаги мақоласида талабалар билан Интернетда тўғридан-тўғри трансляцияларни ташкил этиш ва ўтказиш усуллари хусусида фикр билдирилган. Бунда ўқув тадбирларини режалаштириш, талабаларга онлайн курсларини ўтказиш ҳақида фикр билдирилган.

И.Л.Бим, А.Н.Волкова,Н.Д.Гальскова, Т.М.Гильманова, П.А. Бакланов, М.А. Данилов, А.В.Хуторской [41,46,47,51,57,117] ва бошқалар

[118,119,120,128] нинг илмий изланишларида инглиз тилини ўрганишга оид компетенциялар асосида ижтимоий-сиёсий ва публицистик мавзулардаги муайян матнларни англаш, чет тили ва она тилидаги нутқий компетенцияни фарқлаш, ва тил вакиллари билан мулоқот қилиш каби сифатларни таҳсил олувчиларда ривожлантириш масалалари ўрганилган.

J.Rubin, I.Thompson, M.Sadowski, J. Sheils, Z.Yang каби олимларнинг тадқиқот ишларида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлашда ижтимоий компетенциялар танлов ва жавобгарлик, қарор қабул қилиш, турли ижтимоий, лидерлик, ижрочилик, воситачи ва ташаббускорлик ролларини бажаришда намоён бўлиши уқтирилади[147, 148, 149, 150]. Буларнинг барчаси дидактик аспектда талабаларга инглиз тилини ўргатишда юқоридаги компетенциялар асосига қурилиши кераклигини англатади.

Педагогика, психология, инглиз тилини ўқитиш методикасига доир адабиётлар, илмий тадқиқот ишларининг таҳлили олий таълимда таҳсил олаётган талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш ва жадаллаштириш заруратини кўрсатди.

Стрим технологиялари асосида талабаларнинг фанга оид компетенцияларини ривожлантириш Давлат таълим стандартида кўрсатилган талабларни амалга оширишни назарда тутди (1.1-жадвал).

1.1-жадвал.

Талабаларда чет тилларини ўзлаштиришда ривожлантириладиган компетенция кўринишлари

<p>Талабаларда ривожлантирилиши лозим бўлган компетенция кўринишлари</p>	<p>Талабаларда ривожлантирилиши лозим бўлган компетенциялар таърифи</p>
---	--

Грамматик компетенция	Грамматик компетенция гарамматик қонун қоидаларни ёдлаш, уларни англаш ва уларнинг тил амалиётида адекват ва тўғри қўллаш олиш; тил моҳиятини чуқур англаш ва қабул қилиш, тил моҳиятини «ўзиники» қилиб олиш
Коммуникатив компетенция	Ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилияти
Лингвистик компетенция	Тил материали (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллаш
Лексик компетенция	Чет тилидаги илмий, оммабоп, бадий, мутахассисликка оид тил матераилларини ўқиш ва ўзлаштириш қобилияти
Прагматик компетенция	Оғзаки ёки ёзма нутқда фикрларни тегишли тил воситалари орқали ифодалашни назарда тутати. Дискурс компетенцияси оғзаки ёки ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмалари(УмумЕвропа компетенциялари (2003 й)
Нутқий компетенция	Чет тилини билганлик, уни англаганлик, уни ўзлаштирилганлигининг бош меъёри
Логистик компетенция	Турли хил тоифадаги логистика хизматлари истеъмолчилари учун тил ўзлаштириш бўйича бизнес моделларини лойиҳалаштириш, шунингдек,

		муҳандислик воситалари ёрдамида ўзга тилларни ўзлаштириш динамик жараёнларини бошқариш қобилияти
	Стриминг технологиялари билан ишлаш	Интернетдан олинган маълумотни ёзиб олиш, сақлаш, уларни таҳрирлаш, яна қайтариб трансляция қилиш қобилияти

Жадвалда ифодаланганидек, грамматик компетенция ҳар қандай тил қурилишида асосий роль ўйнайдиган асос саналади. Грамматик компетенция тил ўрганилиши бошланиши биланоқ ўрганила бошланади. Бинобарин, грамматик компетенция билан тил ўрганаётган инсон жаъми 18 йил шуғулланади. Грамматик компетенция бир томондан грамматик қонун қоидаларни ёдлаш, уларни англаш ва уларнинг тил амалиётида адекват ва тўғри қўллай олишда зарур бўлса, иккинчи тарафдан грамматик компетенция тил моҳиятини чуқур англаш ва қабул қилиш, тил моҳиятини «ўзиники» қилиб олишда ўзини ёрқин намоён қилади. Грамматик компетенциянинг оддий қоидалари мактаб таълими даврида эгалланган бўлишига қарамай, айнан ОТМ даврида улар ўзини эркин, анланган ва чет тили малакаларини амалиётга фаол қўлланган тарзда намоён қила бошлайди. Жадвалда ифодаланган коммуникатив компетенция – ўрганилаётган чет тили бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларни мулоқот жараёнида қўллаш қобилиятидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг барча босқичларида чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади ўрганувчиларнинг кўп маданиятли дунёда кундалик, илмий ва касбга оид соҳаларда фаолият олиб бориши учун чет тилида коммуникатив компетенциясини шакллантиришдан иборатдир. ДТС да ОТМ талабаларининг чет тиллари бўйича билим, малака ва кўникмалар нуқтаи назаридан ҳар қандай мавзунини тинглаб

тушуниши, мана шу мавзу бўйича гапира олиши, талабада чет тиллари бўйича ўқиш, ёзиш, фикр қила олиш, ўз фикр, ғояларини тушунтира ва ўткази олиш лаёқатлари тақозо этилмоқда.

Жадвалда ифода этилган лингвистик компетенциятил материали (фонетика, лексика, грамматика) ҳақида билимлар ва нутқ фаолияти турлари (тинглаш, гапириш, ўқиш ва ёзиш) бўйича кўникмаларни эгаллашни назарда тутди.

Жадвалда ифода этилган прагматик компетенция ўрганилаётган чет тилида коммуникатив вазиятда тушунмовчиликлар пайдо бўлганда такроран сўраш, узр сўраш ва ҳоказолар орқали мураккаб вазиятлардан чиқиб кета олиш қобилиятини назарда тутди. Мазкур стандартда дискурс компетенцияси прагматик компетенция таркибига киритилди. Мазкур компетенция оғзаки ёки ёзма нутқда фикрларни тегишли тил воситалари орқали ифодалашни назарда тутди. Дискурс компетенцияси оғзаки ёки ёзма нутқдаги изчилликни таъминлашда лингвистик сигналларни тушуниш ва интерпретация қилиш кўникмаларини назарда тутди [1].

Жадвалда ифода этилган нутқий компетенциячет тилини билиш даражасида унинг оғзаки нутқ малака ва кўникмаларининг тўла шаклланган бўлишини англатади. Нутқий компетенция коммуникатив компетенциянинг амалий натижаси, унинг амалий ва ижодий намоён бўлиши ҳолати саналади. Нутқий компетенцияни ривожлантирмай туриб тўла ҳолда чет тилини биламан деб бўлмайди. Нутқий компетенция аслида чет тилини билганлик, уни англаганлик, уни ўзлаштирилганлигининг бош меъёри саналади. Нутқ бўлмас экан, демак тил ҳам йўқ саналади. Бинобарин, таълим бериш жараёнида нутқий компетенцияни шакллантириш тил ўқитишдаги бош талаблардан бирига тенг келади.

Жадвалда ифода этилган лексик компетенция ҳар қандай тил, шу жумладан она тили ва хорижий тилнинг маълум бир оғзаки нутқ, бадиий

тил ва кундалик тил лексик қатлами борлигини кўрсатиб берувчи омилдир. Лексик компетенция хорижий тилни билиш меъёрларидан бири бўлиб, у мазкур тил қатламидаги маълум бир бирликлар ўзлаштирилганлигини кўрсатади. Агар оддий мулоқот учун чет тили доирасида 500 дан ортиқ лексик бирлик фаол ўзлаштирилиши етарли бўлса, унинг ундан юқори даражада, яъни илмий, бадий, интеллектуал, тарихий даражада ўзлаштирилиши учун 5000 лексик бирлик ҳам етарли бўлмаслиги мумкин. Шу боис, ОТМ даражасига етиб келган талаба аслида зарур бўлган бирламчи лексик даража, яъни 500 лексик бирликни қатъий ва аъло даражада ўзлаштирган бўлиши лозим. Айнан ОТМ таркибида талабала рундан юқори лексик қатлам, яъни интеллектуал, тарихий, илмий, бадий тил лексик қатламлари ўзлаштириш йўлидан бориши тақозо этилади. ОТМ сидаги чет тили бўйича лексик қатлам талабанинг мутахассислик доирасидаги лексик қатламнинг фаол ўзлаштирилишини талаб этади. Лексик қатламни ривожлантиришнинг бош усули чет тилидаги илмий, оммабоп, бадий, мутахассисликка оид тил матераилларини ўқиш ва ўзлаштиришда намоён бўлади.

Жадвалда ифода этилган социолингвистик компетенция сўзловчининг бирор бир нутқий вазият, коммуникатив мақсад ва хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда керакли лингвистик шакл, ифода усулини танлаш имконини яратади. Социолингвистик компетенция ижтимоий-маданий компетенцияни ўз ичига олиб, аутентик нутқнинг миллий хусусиятларини: ўзи яшаётган мамлакатнинг урф-одатлари, қадриятлари, маросимлари ва бошқа миллий-маданий хусусиятларни билиш ҳамда тили ўрганилаётган мамлакат билан таққослаган ҳолда тақдим эта олиш қобилиятини кўзда тутаяди.

Биз тадқиқот доирасида талабаларда чет тилларни ўзлаштиришларида ривожлантирилиши мўлжалланган компетенциялар турларига яна:

логистик компетенция, стрим технологиялари билан ишлаш компетенция кўринишларини киритдик.

Логистик компетенция – талабаларнинг нафақат операцион муаммоларни ҳал қилиш, балки турли хил тоифадаги логистика хизматлари истеъмолчилари учун тил ўзлаштириш бўйича бизнес моделларини лойиҳалаштириш, шунингдек, муҳандислик воситалари ёрдамида тил ўзлаштириш динамик жараёнларини бошқариш қобилияти. Бугунги рақамли технологиялар турли жабҳаларга кириб келаётган шароитда талабалар бўлажак мутахассис сифатида бизнес режаларни тузиш, уларни маркетинг соҳасида оммалаштириш қобилиятларига ҳам эга бўлишлари талаб этилади. Шу жиҳатдан олганда, логистик компетенцияларни уларда ривожлантириш зарурати туғилмоқда. Шу сабабли, биз талқиқотда айнан шу компетенция кўринишини ҳам изланиш объекти сифатида кўриб чиқдик.

Стрим технологиялари билан ишлаш компетенциялари- интернетдан олинган маълумотни ёзиб олиш, сақлаш, уларни таҳрирлаш, яна қайтариб трансляция қилиш қобилияти.

И.Н.Илхомованинг “Нофилологик таълим йўналишидаги талабаларнинг ижтимоий-маданий компетентлиги контекстида нутқ кўникмаларини такомиллаштириш” мавзусидаги 13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (педагогика фанлари) ихтисослигида педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида нофилологик таълим йўналиши талабаларининг ижтимоий-маданий компетентлигини шакллантиришда чет тилидаги нутқий фаолиятни такомиллаштириш ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш кўникмаларини ўзлаштириш зарурлиги асосланган. Олима ўз тадқиқотида чет тилидаги коммуникатив компетенция нофилологик таълим йўналиши битирувчиларининг умумий

ва касбий компетенцияларининг таркибий қисмини ташкил қилиб, чет тилини ўргатишда асосий мақсад бўлиб хизмат қилишини, бунинг якуний натижаси эса тилга оид билим ва малакалардан муайян бир вазиятда мутахассис томонидан тил вакиллари билан мулоқотда нутқий этикет ва ижтимоий ҳуққ нормаларига мос равишда фойдаланиш қобилияти саналишини исботлаб берган. Ишда олима чет тилида коммуникатив компетенция моделининг танланиши нофилологик таълим йўналиши талабаларига чет тилини махсус мақсадлар учун ўқитилиши ва унда чет тили коммуникатив компетенциясининг ижтимоий-маданий доирада касбий ихтисосликнинг ўзига хослиги туфайли алоҳида аҳамият касб этишини изоҳлайди [66,-12-б.].

Н.В. Писцованинг “Чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг лексик бойлигини ривожлантириш” мавзусидаги номзодлик диссертациясида (2016, Москва) инглиз тили машғулотларида доимий амалга оширилиб бориладиган ривожлантирувчи талабларга талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш зарурати эътироф этилади [92]. Олима талабаларда ривожланиши зарур бўлган ижобий сифатлар билан бирга, уларда инглиз тилини ўрганишга қизиқишни ошириш ва уларда ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш лозимлигини уқтиради.

Е.С. Полатнинг “Новые педагогические и информационные технологии в системе образования” номли рисоласида таълим жараёнини бевосита олиб борувчи ва ташкил қилувчи, унинг амалиётини таъминловчи шахс - ўқитувчи шахси ва унинг инновацион педагогик билим, кўникма ва малакаларни қай даражада эгаллаганлиги, уларни ўз фаолиятида татбиқ этишга тайёрлиги, ва ижодкорлиги, инновацион

махорати, тафаккури, маданияти, қобилияти, дунёнинг истиқбол тараққиётини баҳолай олиши каби масалалари тадқиқ этилган[93].

С.В. Федорованинг “Ахборот-коммуникацион технологиялар асосида қўшимча таълим тизимида чет тилини ўргатиш”(Возможности использования информационно-коммуникационных технологий на уроках английского языка в учреждении дополнительного образования”, Якутск, 2008) мавзусидаги диссертациясида замонавий ўқитувчи учун қуйилган муҳим талаб – таълим жараёнида инновацион педагогик фаолиятни ташкил қила билишидир, деб эътироф этилади[116]. “Мазкур вазифа эса ўқитувчиларни махсус ва мақсадли равишда педагогик жараёнга тайёрлашни тақозо этади. Замонавий таълим ўқитувчининг инновацион мақсадга йўналтирилганлиги, ўз фаолиятини ташкил қилишнинг инновацион шакл, усул, восита ва методларини эгаллаганлиги, таълим мазмунига мос равишда инновацион педагогик фаолиятини ташкил қила олишини тақозо этади”[116,124-б.].

Бошқа рус олими Д.С.Белоног ўзининг “Шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқитувчиларнинг мустақиллигини таъминлаш” (Воронеж, 2009) мавзусида ёзган диссертациясида «ривожланишнинг яқин зонасини лойихалаштириш», «ўзиб кетиш» даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш, ривожланишидаги янги ўзгаришларни рағбатлантириш, талабаларнинг интеллектуал, эмоционал, ижтимоий ривожланишларидаги «сакраш»ларни олдиндан кўра билиш, бошланаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш асосида ўқув машғулотларини оператив қайта қуриш лозимлигини уқтиради [40,58-б.].

Н.И.Яковлеванинг “Олий таълим талабаларида инглиз тилидаги лингводидактик компетенцияларни ривожлантириш” мавзусидаги докторлик диссертациясида (Белорусь, 2018) таълимнинг янги парадигмасининг пайдо бўлиши фақат ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар

билан боғлиқ бўлмасдан, у бутун маданий ривожланиш жараёнида юзага келганлиги уқтирилади [125]. Олима тадқиқотда унинг шаклланишида инсонпарварлик фалсафаси ва психологияси асосий ўрин эгаллаши, мазкур концепциянинг асосий нуқтаи назари – ҳар бир алоҳида инсон ҳаётининг ўзига хослиги, ҳар бир шахс ноёб, индивидуал, шартсиз қадрият эканлигини эътироф этиш кабиларни қайд этиб ўтган.

Чуракова О.В. томонидан таклиф этилган чет тили коммуникатив компетенция модели олинган бўлиб, олима бу модель таркибида тилга оид, нутқий ва ижтимоий-маданий компетенцияларни ажаратиб кўрсатади. Ижтимоий-маданий компетенция эса халқаро тилшунослик, ижтимоий-лингвистик ва маданиятшунослик компетенцияларини ўз ичига олади [119].

Инглиз тилини ўрганиш борасида мамлакатимизда бир қатор ҳукуматимиз томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, буларнинг барчаси ёшларга тил ўрганишга катта имконият яратиб берди ва бўлажак мутахассисларнинг иқтидорини янада ёрқинроқ намоёниш қилишга қаратилди.

Мамлакатимизда 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875 Қарорининг амалга жадал киритилиши натижасида инглиз тилини ўрганишга катта эътибор қаратилди [3], чунки таълим-тарбия таъсирчанлиги тараққиётнинг талабигина бўлиб қолмай, балки инглиз тилини мукамал ўрганиш, билим олиш, интеллектуал салоҳиятни ошириш, ўзлаштириш даражасининг юксалиши билан ҳам белгиланади. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш, айниқса, стриминг технологиялари асосида талабаларнинг компетенцияларни

эгаллаши мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга кенг шарт-шароит ва имконият яратади.

Мамлакатимизда инновацион технологияларни ривожлантириш, уларни барча фаолият соҳаларига жорий этиш, инглиз тили машғулотларида ушбу кўникмаларни ҳосил қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу аснода, стриминг технологиялари асосида талабаларнинг инглиз тили бўйича компетенцияларини ривожлантириш мумкин бўлади.

Стриминг технологиялари ўқитувчи шахсининг инновацион мақсадга йўналтирилганлиги, ўз фаолиятини ташкил қилишнинг инновацион шакл, усул, восита ва методларини эгаллаганлиги, таълим мазмунига мос равишда инновацион педагогик фаолиятини ташкил қила олишини тақозо этади.

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожланишида талабаларнинг “яқин зонадан ривожланиш” [30,28-б.] ва уларнинг рефлексив имкониятларининг ривожланиши, ўқув фаолияти жараёнида унинг психик ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

Билимга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш парадигмасида таълимнинг таянч, асосий, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш вақтида синовдан ўтувчи, шахснинг функционал саводхонлиги ва ижтимоийлигини таъминлашга асосланади. Мазкур парадигма таълим муассасасига инглиз тилидан таълим олувчиларнинг мақбул компетенцияларини шакллантириш мақсадида билимларни ўзлаштириш йўли сифатида қаралади.

Стриминг технологиялари қуйидаги мезонларга таянади:

–таълимнинг ижтимоийлашуви – мутахассисларни тайёрлаш жараёнига нисбатан технократик ёндашувдан воз кечиш,

Ўзлаштириладиган билимлар мажмуасининг педагогик ҳамда психологик хусусият касб этишини таъминлаш, талабаларда умуминсоний, умуммаданий қадриятлар мазмунида илгари сурилган ғояларга асосланган ижтимоий тафаккурни шакллантириш;

–миллий ҳамда жаҳон маданияти асослари ва уларнинг моҳиятидан хабардор бўлиш;

–таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишда миллий истиқлол ғояларига асосланиш;

–шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда мустақил таълим олишга бўлган лаёқатига таяниш ва уни такомиллаштириш;

–шахснинг касбий жиҳатдан шаклланишида ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришларига эришиш;

–таълим жараёнида ўқув дастурларининг талабалар қобилияти ҳамда қизиқишларига кўра танлаб олиниши борасидаги имкониятнинг мавжудлиги;

–педагогик таълимнинг фундаментал хусусият касб этиши, яъни, талабалар томонидан ўзгарувчан шароитларда шахс ижодий ривожини асосини таъминловчи инвариант билимларнинг ўзлаштирилишига эришиш;

–меҳнат бозори ҳамда ижтимоий жараёнларда юзага келувчи ҳамда доимий равишда ўзгариб турувчи эҳтиёжларга тўлақонли жавоб бера оладиган таълимни шакллантириш шу асосда касбий мослашувчан мутахассисларни тарбиялаш;

–таълимнинг узлуксизлиги, таълимнинг ҳар бир жараён босқичининг натижаланишини таъминловчи касбий таълим (кадрлар малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш) дастурларининг тизимининг яратиш ва ривожлантириш, муайян дастурни таълимнинг у

ёки бу босқичида ўқитилиши ёки ўқишни бошқа типдаги ўқув муассасида давом эттира олиш имкониятини бера олиши;

–таълимнинг эквивалентлиги, яъни унинг давлат таълим стандарти, миллий маданияти ва менталитет, шунингдек, халқаро меъёрларга мувофиқ даражаси.

Ўзбекистон Республикаси давлат қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва ижтимоий-сиёсий ғоялари, Давлат Дастурлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, меърий ва ҳуқуқий ҳужжатлар таълимдаги ислохотларнинг мазмуни ва долзарб вазифаларини белгилаб берди. Мустақиллик йилларида ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, тиббий, маънавий, шунингдек таълимий манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган 200 дан ортиқ қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа турдаги меърий ҳужжатлар қабул қилинди [7,8,9,10,11,12,13,14].

Мамлакат таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасидаги ўта муҳим ижтимоий-сиёсий мақсаднинг умумий назарий ҳамда ҳаётга татбиқ этиш асослари, педагоглар фаолиятини янги кўламда ташкил этиш масалалари ишлаб чиқилди. Мамлакат таълим тизимида инновацион ғояларни кенг жорий этишга оид ғоялар ва қарашлар тизими таркиб топди.

Бугунги кунда таълим тизими фаолиятини инновацион такомиллаштириш жараёни давом эттирилмоқда, уни замон талаблари асосида модернизация қилиш ишлари жорий этилмоқда. Шу боисдан бу босқич таълим тизимини *модернизациялаш даври* деб аталмоқда.

2017 йилдан эътиборан 11 йиллик умумий ўрта таълим мактабларининг жорий этилганлиги ёшларнинг билимларини узвий ва узлуксиз такомиллаштиришга қаратилди. Шу қаторда ёшларнинг 71,5 фоизи доимий равишда ўз малакасини ва профессионал билимларини мунтазам ошириб бориш истагини билдиришган. Олий таълим олишга

интилган ёшлар ичида шаҳарликларга нисбатан қишлоқ аҳолиси кўпчиликини ташкил қилган. Социологик сўровномада қатнашган 5 678 нафар ёшлар ўзларининг ҳуқуқий саводхонлиги ошириб бораётганлигини кўрсатишган. 2017 йилда мазкур кўрсаткич 2014 йилга нисбатан икки борабор ошганлиги намойиш этган. 91,5 фоиз ёшлар хориж тилларини ўрганишга астойдил киришганлигини изҳор этганлар. 62,4 фоиз ёшлар эса ўз мутахассисликлари бўйича карьера қилиш ниятида эканликларини билдирганлар. Сўровда қатнашган респондентларнинг учдан бир қисми – хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида билим олишаётганлигини таъкидлашган.

Рахмонов Ганиджон Рахмоновичнинг «Педагогические основы формирования познавательного интереса к иностранному (английскому) языку у студентов: на материале вузов Республики Таджикистан» мавзусидаги педагогика фанлари номзодлигини олиш учун ёзган диссертациясида (Душанбе, 2002) “...инсонларнинг ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжи уларнинг ноёблигини асраш ва ривожлантириш, инсоннинг эркинликка эришиш механизми сифатида индивидуал шахсий танловни амалга оширишни ўзида намоён этишини таъкидлайди ва талабаларнинг ўқув-билув фаолияти уларнинг миллий қадриятларга асосланган ва бўлғуси касбий шаклланиши билан ҳамжиҳатликда, қизиқишларни ривожлантириш ёндашувларига асосланган инсонпарвар муносабатларни ўрнатиш жараёнида содир бўлади” [97, 66-б.], деб эътироф этилган.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, талабаларда компетенцияларни ривожлантириш масалаларига бағишланган бир қатор илмий изланишлар олиб борилган. Булар сирасига рус олимлари Р.П.Мильруд, Н.Ж. Дагбаева, П.И. Пидкасистий, Н.В.Писцова, А.Н.Волкова, Г.Н. Покатилова каби олимларнинг номларини келтириш

мумкин [88, 52,91,92,46,95]. Хусусан, Г.Н. Покатилова «Формирование интереса к общественно-политическим знаниям» (на материале иностранного языка)” мавзусидаги докторлик диссертациясида, талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда уларни ўқув материалига бўлган қизиқишини ошириш зарурати таъкидланади. Олима фикрича, “маълумот мазмуни ўқитиш ва ўқиш учун аудиторияга олиб кирилган қисми-таълим мазмунини ижодий эгаллаш (ўзлаштириш) муаммоси, бир томондан, ижодий фаолият тажрибасининг ўрганилаётган ўқув материалларида моддийлашганлиги, иккинчи томондан эса, ижодий фаолиятни эгаллаш усуллари, воситаларини аниқ танлай олиш билан характерланади,-деб ёзади[95, 117-б.].

Л.А.Подопригорова «Использование Интернета в обучении иностранным языкам» номли илмий мақоласидаишида таҳсил олувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини билим эгаллаш жараёнига қаратилган мақсадли фаолият сифатида тавсифлайди ва:” талаба ва ўқув материалининг ўзаро таъсири ҳаракатида уч хил босқични ажратади: дастлабки босқич – олдин ўзлаштирилган билим, кўникма ва малака, ҳаётий тажриба, нарса-ҳодисалар билан муомала қилиш йўллари фаоллаштириш; ўрта босқич – бу ўзаро таъсирнинг икки нукта – унинг бошланиш ва якунланиш нукталари ўртасидаги ҳаракатидир; якуний босқич – муаммоларнинг қўйилиши, топшириқларнинг бажарилиши, диалогда иштирок этишдан қайд қилинган билимлар, чиқарилган хулосалардир” [135, 25-б.],-дея таърифлайди.

Н.Н.Болдырев ўзининг «Функциональная категоризация английского глагола» мавзусида ёзган илмий ишида мазкур муаммони педагогика нуктаи назаридан тавсифлаб, шундай ёзади: ”Таҳсил олувчиларнинг ўқув-билув фаолияти замирида уларнинг иродавий, ҳис-ҳаяжонли, когнитив, интеллектуал қобилиятлари мўжассамлашади. Янги ўқув материални

ўргатиш ва мустаҳкамлаш дарсларининг янги билимларни ўрганишга тайёргарлик, янги билимларни идрок қилиш, ўрганилган билимларни дастлабки мустаҳкамлаш босқичларида таълимга татбиқ қилинишини таҳлил қилиш, такрорлаш ва малака ҳосил қилиш, мавзу доирасида талабаларнинг билими, ижодий фаолият тажрибасини кенгайтириш босқичларида фойдаланилиш лозимлигини тавсия этади» [43,17-б.].

Таҳсил олувчиларнинг компетенцияларини ривожлантириш масалаларига турли ўқув предметларини ўқитиш мисолида Н.Е.Буланкина, Н.Д.Гальскова, В.Ю.Грушевская ва бошқалар тадқиқот ишларини олиб борганлар[44,48,49].

С.К.Бойматова фикрича, «ўқув жараёнида тақдим қилинаётган ўқув материалининг мазмуни, ўқитиш метод ва ваоиталари ҳар томонлама талабаларнинг идрок қилиш ва ўқув-билув фаолиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади» [42].

Талабаларнинг компетенцияларини ривожлантириш масалаларига бағишланган бир қатор диссертация ишлари бажарилган. Масалан, А.Н.Волкова таъкидлашича, «...чет тилларни ўрганиш ва унинг самарадорлигини оширишда нолисоний олий таълим муассасаларининг талабаларида ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришга боғлиқ. Бунда тақдим қилинаётган ўқув материалининг таркибий жиҳати талаба ўзлаштиришига йўналтирилган мотивацияни ҳосил қилиш муҳим бўлиб, матн кўпроқ талаба келгусида эгаллайдиган касбий фаолиятига алоқадор бўлиши лозим» [46,14-б.].

Константинова Светлана Игоревнанинг “Формирование учебно-познавательной компетентности у учащихся старшей профильной школы: на материале английского языка” мавзусидаги диссертациясида талабаларнинг ўқув-билув фаолияти, таълим мазмуни, талабаларнинг таълим жараёнида бажарадиган вазифасига кўра таълимий муаммоларни

4 гуруҳга ажратиш мумкинлигини (1-гуруҳ: янги билимларни қайд қилишга оид таълимий муаммолар; 2-гуруҳ: кўникма-малакаларни янада такомиллаштиришга оид таълимий муаммолар; 3-гуруҳ: ижодий фаолият тажрибасини ривожлантиришга оид таълимий муаммолар; 4-гуруҳ: воқеа-ҳодисаларга муносабатни ривожлантиришга оид таълимий муаммолар) фикрларни баён этади [74, 204-б.]. Бинобарин, стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш жараёни билиш босқичидан иборат бўлган таркибий қисмларга (ёки компонентларга) ажратиш мумкин. Талаба билмасликдан билиш, уддасидан чиқа олмасликдан уддалай олиш, малакалар ҳосил қилиш йўлидан бориб, ушбу босқичлардан ўтиши керак.

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш жараёни 5 та асосий босқичдан иборат (1.4-расм)

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш босқичлари



1.4-расм. Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш босқичлари

Жадвалда акс этирилганидек, талабаларда стриминг технологиялари асосида ўзлаштирилиши лозим бўлган инглиз тилидаги материални идрок этиш; уни фаҳмлаб олиш, тушунчаларнинг ҳосил

бўлиши; билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлиши;

ҳосил қилинган кўникма ва малакаларни амалиётда қўллаш (компетенцияларни таркиб топтириш лозим.

Ҳар бир босқич учун талабаларнинг муайян характердаги билиш фаолияти характерлидир. Бу фаолият ўқитувчи томонидан алоҳида раҳбарликни талаб этади. Талабаларнинг ўрганилаётган (ёки ўрганилиши лозим бўлган) инглиз тилидан материални идрок қилишини ташкил этар экан, ўқитувчи уларнинг ҳаётий тажрибаси ва тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда материал тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилиб, олдиндан уни бутунлигича тушунтиради ва кўрсатади.

Ўрганилаётган объект ҳақидаги умумий тасаввур асосида уни тушунишни таъминловчи, аста-секин чуқурлашиб боровчи англаш жараёни давом этади. Ўқитишнинг бу звеносининг мақсади илмий тушунчаларни таркиб топтиришдир.

Бакиева Г.Х. талабаларнинг касбий қизиқишларини шакллантиришнинг педагогик асосларини ривожлантириш ҳақида фикр билдирар экан, «ўқув жараёнида касбий қизиқишларни шакллантириш учун ўқув фанини ўрганиш жараёнида талабаларнинг ўқув фаолияти касбий фаолият билан алоқадор равишда шаклланиши лозим»,- деб ҳисоблайди [36, 63-б.]. Худди шундай, В.В.Копылова, В.В.Краевский инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этишди [75,77].

Тоҷик олими С.Н.Алиев илмий ишида: Талабаларнинг инглиз тилини ўрганишини назорат қилиш ва режалаштириш учун, унинг олдиндан эгаллаган билимлар кўламини диагностика қилиш ва шу асосда келгусида эгаллайдиган касб соҳасига йўналтириш лозим”,-деб ёзади. [27, 111-б.]. Демак, талабаларнинг ўқув-билув фаолияти таълимнинг

якуний мустақиллигини аста-секин ва изчиллик билан ошириб бориш жараёнидир. Бу жараённинг моҳияти – билим, кўникма малака ва компетенцияларни ҳосил қилиш, ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириб олиш ва билиш кучларини ривожлантиришдир.

Талабаларда ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув шаклларида амалга оширилар экан, бунда И.Б. Короткина таъбирича, «инглиз тилини ўрганишга бўлган иштиёқни кучайтириш учун бошқа ўқув фанларини интеграциялаб ўқитиш ва шу аснода бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолиятига бўлган қизиқишини ошириш лозим» [129,47-б.], - деган фикрига кўшилаемиз. Тадқиқотчи талабалар учун мўлжаллаб тузиладиган билув муаммоларига қатор дидактик талабларни кўяди: билув муаммолари талабаларнинг кучи етадиган, уларни билишга рағбатлантирадиган шаклда тузилиши зарур; билув муаммолари тизими ўрганилаётган мавзунинг моҳиятига мос бўлиши, ўқув материалнинг барча таркибий қисмларини ўзига қамраб олиши лозим; билув муаммолари ўқув материалга адекват бўлиши билан бирга, талабаларнинг реал билиш имкониятларини ҳисобга олиб тузилиши шарт. Юқорида номлари келтирилган тадқиқотчилар, таҳсил олувчиларда когнитив фаолиятни шакллантириш муаммосини таъкидлаб, инглиз тилидаги ўқув машғулотларида муаммоли таълим воситасида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш заруратига эътибор қаратмаганлар. Шу боис, бир қатор тадқиқот ишларида таҳсил олувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган бўлсада, аммо стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш ижтимоий-педагогик нуқтаи назардан ўрганилмаганлигини қайд этиш мумкин.

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириштаълим мазмунидаги ўқув-билув

муаммоларининг тавсифи берилган (янги билимларни қайд этишга оид ўқув-билув муаммолари; кўникма ва малакаларни янада такомиллаштиришга оид ўқув-билув муаммолари; ижодий фаолият тажрибасини ўзлаштиришга оид ўқув-билув муаммолари; тилга муносабатни шакллантиришга оид ўқув-билув муаммолари; ўрганилган билимни янги ўқув шароитига татбиқ қилишга оид ўқув-билув муаммоларини кўриб чиқиш талаб этилади.

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш: 1. Ўрганилаётган мавзуга оид ҳодисани ажратиш ва кузатиш; 2. Ўрганилган билимни янги ўқув ҳолатига татбиқ қилиш; 3. Икки ёки ундан ортиқ мавзу доирасида тил ҳодисаларини таққослаш; 4. Ўзининг ва ўзгалар билимига муносабат билдириш асосида кечади.

Олий таълимда инглиз тилини ўқитиш жараёни педагогнинг ўргатувчилик фаолиятини ва талабаларнинг махсус ташкил этилган билиш фаолиятини ўз ичига олади. Шу ўринда бу жараёнларнинг таҳлилига эътибор қаратайлик. Таълимда ўқитувчининг бошқарувчилик роли ўз касбининг ижтимоий асосларидан келиб чиқиб, аждодларининг бой тажрибасини, инсониятнинг асрлар давомидаги билиш, меҳнат, мулоқот, умумий алоқалар, эстетик ҳамда ахлоқий қарашлар жараёнида қўлга киритган ютуқларни эгаллашни шарт қилиб қўяди.

Шундай қилиб, буларнинг барчаси ўқитувчининг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи вазифаларини амалга оширишида ўз аксини топмоғи лозим. Ана шу асосдан хулоса қилиб айтиш мумкинки, таълим жараёнида ўқитувчи талабаларига қўлга киритилган билимларни ўргатади. Ўқув фаолиятида уларни кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Шу билан бир пайтда у талабаларда дунёқараш ва ахлоқ нормаларини ҳосил қилади, қизиқиш ва қобилиятларни шакллантиради,

уларнинг билиш фаоллигини оширади. Ўқитувчининг фаолияти талаба шахсининг мақсадга мувофиқ шаклланишига катта имкониятлар очиб беради. Янада аниқ қилиб айтсак, бутун ўқув жараёнини режалаштиради, ушбу жараёнда талабалар билан биргаликдаги фаолиятни ташкил этади. Талабаларга қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради ҳамда уларнинг билимларини ва бутун таълим жараёнини ташхис қилади. Ўз навбатида талабаларнинг фаолияти ўқув жараёнида ўрганишга, билим, кўникма ҳамда малакаларни эгаллашга, ўзини жамиятга фойдали фаолиятга тайёрлашга йўналтиради. Таълим жараёнида талабаларнинг фаолияти кўп қиррали йўналган ҳаракатни ифодалайди ва бу ҳаракат билишга доир вазифаларни ҳал қилишда уларга катта ёрдам беради.

1.2-§. Олий таълимда замонавий таълим тренди-Стриминг технологиясининг илмий методик тавсифи сифатида

Илғор ўқитиш усулларини жорий этиш жамиятда маданий ўзгаришларни талаб қилади. Олий таълим ташкилотларининг тузилиши янги ғоялар алмашинуви, талабаларнинг муваффақиятли лойиҳаларни бажариши, уларни ривожлантириш ва амалда қўллаш мақсадида осонлаштириладиган тарзда тузилиши керак. Шундай экан, олий таълимда стриминг технологияси замонавий таълим тренди сифатида қаралиши муқаррар.

Таълим трендлари - бу унинг ўзгаришларини белгиловчи тенденцияларидир. Биринчидан, бу таълим парадигмасининг асоси бўлган янги шароитлар ва фаол ўқитиш усулларини яратишдир. Иккинчидан, танқидий фикрлайдиган ва функционал жиҳатдан саводли, ўз билимларини доимий равишда янгилаб турадиган, тез ўзгариб турадиган дунёда муваффақиятли ҳаёт учун ўз қобилиятларини тезда қайта

кўрадиган, мосланувчан қобилиятли шахсни тайёрлашга талаблар тобора ортиб бормоқда. Олий таълим ташкилотларининг барча фаолияти муваффақиятли талаба шахсини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бунинг учун тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаш, зарур ташкилий қўллаб-қувватлаш тузилмаларини яратиш, профессор-ўқитувчиларни рақамли технологиялар билан ишлашга ўргатиш, ўқув дастурлари ва талабаларни баҳолаш тизимларини қайта кўриб чиқиш зарур.

Талабаларга ҳақиқий амалий кўникмаларни ўргатиш келажакда иш билан таъминлашда, шунингдек уларнинг касбий малакаларини оширишда ёрдам беради, ҳамкорликнинг самарали ечимларини топиш учун калит ҳисобланади. Ҳамкорликда олий таълим муассасаларининг бирлашмаларини яратиш, уларга таълим хизматларининг жаҳон бозорида фойдали позицияларини эгаллашга ёрдам берадиган альянслар тузиш тенденцияси мавжуд.

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари ва онлайн ўқув материаллари кенг тарқалган бўлсада, ҳозирда бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам барча аҳоли гуруҳлари учун бир хил маромда Интернетдан фойдаланиш юкласини бажариш имконияти мавжуд эмас. Шу сабабли, келажакда талаб қилинадиган талабаларнинг касбий кўникмалари, ижодкорлик қобилиятлари ва танқидий фикрлаш қобилиятлари бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ОТМлар учун энг устувор вазифадир.

Мамлакатимизда 2018 йилда Олий таълимни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди. Мазкур концепция асосида мамлакатдаги барча ОТМ ларининг ўқув, илмий, маънавий-маърифий фаолияти қайта кўриб чиқилди ва янги мазмунда ўз фаолиятини қайта қура бошлади. Президент қарори асосида “2017-2021 йилларга мўлжалланган олий

таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахасислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури” қабул қилинди (2017 йил 20 март). Шунингдек, сўнгги йилларда қабул қилинган олий таълим тизимини ривожлантириш масалаларига бағишланган 10 дан ортиқ ҳукуқий ҳужжатлар олий таълим ривожини ва мамлакат ижтимоий ҳаётида туб бурилиш ясади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси тузилди.

Давлат таълим тизими билан биргаликда республиканинг барча ҳудудларида норасмий ва ноформал хорижий тилларни ўқитиш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Мана шундай тил марказлари Германиянинг DAAD, Кореянинг КОИКА, Япониянинг JICA, Исроилнинг MASHAW, Ҳиндистон маданият маркази, АҚШнинг EDUCATIONAL EXCHANGE PROGRAM, Буюк Британиянинг BRITISH COUNCIL каби ташкилотлари, уларда ташкил қилинган ресурс марказлар, Маданият марказлари, кутубхоналар, интернет материаллари, туиторлик хизматлари, стажировкалар ва хорижий элларга танлов асосида ўқишга юбориш хизматлари, шунингдек Хитой, Франция ва бошқа элчихоналарда ташкил қилинган тил марказлари орқали фаолият олиб бормоқда. Элчихоналар таркибида тиллар бўйича турли танловлар, хорижий стажировкалар ўтказиш анъанага айланган.

Масалан, АҚШ элчихонасида Таълим масалалари бўйича Маслаҳат Маркази (ТММ) фаолият олиб боради. Мазкур марказ АҚШда таълим олишга қизиқувчи талабаларга ёрдам беради. ТММ, ёшларнинг АҚШда таълим олиш бўйича материаллардан фойдаланишга имкон яратади. Улар ичида ўқув дастурини танлаш, ўқишга қабул қилиш шартлари, молиявий ёрдам ва ўқиш билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича бепул маслаҳат бериш хизматларини кўрсатишади. АҚШда таълим олаётган Ўрта

Осиёлик талабалар сони ўтган сўнгги ўн йилликда аввалгига қараганда 20 фоизга ошган. 2016-2017 ўқув йилида 870 га яқин Ўзбекистонлик талабалар АҚШда тахсил олган бўлиб, бу кўрсаткич 2012-2013 йилдаги 586 талабадан анча юқоридир.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизда турли маданият марказлари жадал фаолият олиб боради. Масалан, республикада мавжуд элликка яқин маданият марказлари Ўзбекистонда яшаб, меҳнат қилаётган турли миллат ва элатлар маданиятларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Шу билан бирга мустақиллик йилларида хорижий давлатлар университетларининг мамлакатимиздаги филиалларини очиш ишига асос солинди. Улардан Буюк Британиянинг Тошкент халқаро Вестминстер университети, Тошкентдаги Сингапур менеджментни ривожлантириш институти, Тошкентдаги Турин политехника институти, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкентдаги филиали, Губкин номидаги нефть ва газ университетининг Тошкентдаги филиали, Москва давлат университетининг Тошкентдаги филиаллари мана шулар жумласидандир.

Стриминг технологиялари таълим тренди сифатида баҳоланар экан, бу унинг ўзгаришлари билан боғлиқ динамикани кўрсаткичини белгилайди.

Стриминг технологиялари талабаларда билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантириш мақсадини онлайн тарзда ташкил қилишдан иборат. “Ўқитиш натижаси сифатида инглиз тилидан билимларининг тўлиқлиги, чуқурлиги, тизимлилиги, анланганлиги, мустаҳкамлиги ва амалий хусусият касб этиши муҳимдир. Бу каби ҳолатлар таълим жараёнининг методик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлигини ифодалайди” [28,84-б.].

Узлуксиз таълим олий таълимнинг пойдевори ҳисобланади. Билимларга асосланган жамият ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантиришга интилаётган мамлакатлар ҳар доимгидан кўра аҳолининг билимларини доимий равишда янгилаб бориш, ходимларнинг малакасини ошириш ва касбий ривожланиш имкониятларини кенгайтириш зарурати ҳақида кўпроқ ташвишланмоқдалар. Бу университетлар ва корпорациялар ўртасидаги яқин ҳамкорлик масаласидир. Ахборот манбаларини таҳлил қилиш натижасида бугунги кунда замонавий таълим йўналишларини иккита асосий тренд (йўналиш)га ажратиш мумкин:

1-тренд.

Ўрганиш инсоннинг асосий кундалик фаолиятига айланади. Ҳар бир инсон ҳар куни янги нарсаларни ўрганишга иштиёқманд бўлиши, ўқув-билув фаолияти ҳафтаси 14 соатгача давом этади. 2025 йилга келиб эса, 60 ёшдан ошган инсонлар бугунги 20 ёшдагилар каби узок вақт ўқийдилар, ёшлар эса бугунги кунга қараганда икки баравар кўп таҳсил олишга эҳтиёж сезишади.

2-тренд.

Ҳаёт давомида таҳсил олиш. Инсоннинг ҳаёти давомида янгиликларни ўрганиш, уларни ўзлаштириш учун эҳтиёжи ошади. Бу инсонда технологиялар ва ғояларнинг тез ўзгариши билан асосий кўникмаларга айланади. Технологиялар ва ғояларнинг тез ўзгариши билан асосий кўникмалардан бири -эскиларни «мустаҳкамлаш» ва янги нарсаларни ўрганиш қобилиятлари бўлади. Ҳозирги таълим тизими ўзгариши керак, чунки энди ҳеч ким битирувчига 4 йил ичида қандай билим ва кўникмалар кераклигини режалаштира олмайди. Шунинг учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтлари фундаментал таълимга қўшилади. Рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган қуйидаги трендларни эътироф этмоқчимиз:

3-тренд.

Рақамли технологиялар ривожланиб бориши билан инсонлар тобора кўпроқ фаровонлик ва қулайлик излашга мажбур қиладиган эҳтиёжлари ортиб бормоқда. Бу эса, Онлайн курслардан фойдаланган ҳолда таълимни индивидуаллаштиришни талаб қилади. Талаба кутилган эҳтиёжларига тўлиқ мослаштирилган онлайн курслар ёрдамида ўқув жараёнидан кўпроқ фойда олиши, инглиз тилини ўзлаштиришда оптимал натижаларга эришиши мумкин. Шу билан бирга, индивидуал ёндашув самарали бўлиши таъминланади.

4-тренд.

Тескари ўқитиш. Бу аралаш таълимнинг алоҳида ҳолати – жонли тарздаги, анъанавий маърузалар ўрнига он лайн ва оф лайн тарзидаги машғулотларнинг ташкил қилиниши. Бунда профессор- ўқитувчилар фақат амалий машғулотлар учун тўлиқ тайёргарлик кўришади: савол-жавоб, суҳбат, мулоқот каби таълим шакллари ривожланади.

5-тренд.

Таълим жараёнини автоматлаштириш. Профессор-ўқитувчилар учун тежамкор ечимга айланадиган ва энг муҳими, талабаларнинг таълим натижаларини йиғиш ва сақлаш жараёнларини автоматлаштиришга имкон берадиган ўқув курслари ва материалларини яратиш учун Интернетда махсус воситалардан фойдаланиш.

6-тренд. Мобил технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим капсулаларини яратиш. Узоқдаги таълим субъектлари билан жонли мулоқот ўрнига барча маълумотлар кичик блокларга, билим қисмларига бўлинади, уларни тезкорлик билан (йўлда, транспортда, югуриш йўлакчасида) ўзлаштириш мумкин. Бунинг учун мураккаб материалларни қисқа, мантиқий жиҳатдан тўлиқ блоклар қаторига ажратиш керак.

7-тренд. Кенгайтирилган реал воқеавийликдан фойдаланган таълим. Таълим фойдаланувчи муҳитига мослашади ва анча самаралироқ бўлади. Кенгайтирилган реаллик технологияларининг тарқалиши ўқув жараёнига сезиларли даражада таъсир қилади, аммо виртуал ҳақиқат ва унга кириш имконияти асосий «тезлаштирувчи» га айланади. Одамлар визуал ва эшитиш ҳисси орқали онлайн таълимни такомиллаштириши мумкин.

8-тренд. Таълимни геймификациялаш (ўйин сифатида ўрганиш). Визуализация ва интерактив иштирок этиш. Йиғилган баллар. Жамоа мусобақаси. Янги босқичга ўтиш. Ҳамма нарса компьютер ўйинларидаги каби, аммо ўқув материаллари билан йўғрилган ҳолатда амалга оширилади.

В.Ю.Грушевская, О.Н. Грибан, А.Е.Капаева[49,68]ларнинг таъкидлашича, барчамиз жамиятнинг кибер-ижтимоийлашуви даврида яшаймиз. «Кибержамият - бу замонавий ахборот-коммуникация, компьютер, электрон, рақамли ва Интернет технологиялари орқали реал ва виртуал маконларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг долзарб ҳақиқати сифатида бирлашган ва биргаликдаги жамоавий фаолиятни ташкил этган одамлар жамияти» [49,49-б.]. Бинобарин, бундай ҳолда, кибер-жамиятдаги алоқа ўлчови - бу киберфазо орқали ёки тўғридан-тўғри кибер-макон билан шахсларнинг диалоги, унинг турли кўринишларида намоён бўлади. Ахборот ушбу диалогнинг воситаси ва натижасига айланади. Демак, талабаларнинг коммуникатив компетенцияларини стриминг технологиялари асосида ривожлантириш учун рақамли технологияларга зарурат ошади. Замонавий дунёда рақамлаштириш инсон ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олар экан, ахборот жамиятини шакллантириш жараёнида ўзбек таълими соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз бермоқда.

2020 йилнинг 24-сентябрида Президентимиз томонидан Олий Мажлис Сенатида мамлакатимиз ўқитувчиларига қаратиб айтилган табрик нутқида мамлакатимиз учинчи реннесанснинг бошидан кечириётганлиги тўғрисида фикр билдирилди. Реннесанс- “маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради” [122].

Бинобарин, мамлакатимизда рақамли технологиялар ривожланаётган жараён айнан учинчи реннесанс асосига қурилаётганлигини билдиради. 2020 йил-мамлакатимизда “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб белгиланиши бежиз эмас. Олий Мажлис сенати аъзоси Абдурахим Эркаев ёзишича, “Учинчи Ренессанс ғояси истиқболга интилишга жуда мос келади. Мазкур ғоянинг сафарбарлик кучи, умуман, мафкуравий салоҳияти жуда юқори. Айни чоғда ўтмиш тарихимизнинг шонли саҳифалари, буюк аجدодларимизнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти билан боғланади. Бизга мазкур тушунча кимларнинг ворислари эканимизни эслатиб туради.

Учинчи Ренессанс ғояси миллий руҳиятимизга, халқимиз армон-орзусига яқин. [122].

Сенатор фикрича, биринчи ва иккинчи ренессансларнинг тарихий шароити ва даври талаблари, имкониятларини ҳаққоний баҳолаб, Янги Ренессанснинг тарихий шароитлари ва талаблари мутлақо ўзгача эканини асослаш, далиллаш мақсадга мувофиқ. Учинчи Ренессанс тўртинчи саноат инқилоби билан мувозий, бир вақтда кечади. Шу сабабдан у, аввало, технологик инқилобни, юксак ривожланган рақамли смарт (ақлли) иқтисодиётни тақозо қилади. Ўз навбатида, рақамли, смарт иқтисодиётга ўтиш учун ишлаб чиқаришни босқичма-босқич модернизация қилиш, автоматлаштириш, роботлаштириш талаб этилади”[122]. Бинобарин ушбу

жараён мамлакатимизда бир неча босқичларда амалга оширилиши, унинг инсоний, илмий ва илмий-технологик, моддий-молиявий таъминоти бўйича ишлаб чиқилган мажмуавий дастурлар янги Ренессанс ғояси билан мафкуравий жиҳатдан боғланиши шарт. “Илмий, илмий-технологик таъминот тақозосидан келиб чиқиб, таълим-тарбия соҳасининг барча бўғинлари узлуксиз ислоҳ этиб борилиши керак” [122].

Олий Мажлис сенати аъзоси Абдурахим Эркаев таъкидлашича, “аввалги иккала Ренессанс мустаҳкам маънавий-мафкуравий негизда, биринчи галда юксак ахлоқийлик, адолат, илмга ташналик ва бағрикенглик асосида юз берган. Ислоом ҳалоллик ва тўғрилиқни, инсоф ва адолатни, илм ва амалий фаолликни ҳамма нарсадан устун қўйган. “Илм излаб Чинга бўлса-да, бор”, “Сендан ҳаракат — мендан баракат”, “Бир соатлик адолат барча инсу жинсларнинг қирқ кунлик ибодатидан устун” ва кўплаб шу каби ҳадислар, нақллар аждоқларимизнинг ижтимоий мўлжалига айланган эди.

“Байтул ҳикма”да 40 дан ортиқ таржимонлар қадимги юнон тилидан, 14 нафар таржимон санскрит тилидан, 4 нафар таржимон Хитой тилидан илмий, тиббий ва фалсафий асарларни арабчага ўгирган. Бундан ташқари, лотин, сурёний, иброний тиллардан таржимонлар бўлган. Илмий ҳақиқат диний мансубликдан устун қўйилган. Бу асар маъжусийларники, буниси кофирларники деб инкор қилинмаган. Аждоқларимиз тил ўрганиб, илм ортидан дунёни кезган. Маҳдудлик қобилига ўралиб қолмаган, турғунлик, маҳаллийчилик уларга ёт бўлган” [122].

“Байтул ҳикма”, Хоразм Маъмун Академияси, умуман, ислом олами олимлари фаолияти ўша даврдаги халқаро илмий интеграциянинг энг ёрқин намунасидир. Биринчи ва иккинчи ренессансларнинг маънавий асосларини ва сабабларини ҳамда кейинги инқирозини чуқур ўрганмасдан, биз Учинчи Ренессансни муваффақиятли амалга ошира олмаймиз. Бугун

ҳам бизга ғоявий ва илмий толерантлик (бағрикенглик), илмга, ҳақиқатга ташналик, миллий маҳдудликни, ғоявий мутаассибликни тамомила инкор этиш хос бўлмоғи лозим”[122]. Бинобарин, ҳар бир мамлакатда жамият талабидан келиб чиқиб, юксак ахлоқий, касбий-профессионал даражада тараққий этган кадрларни тайёрлаш давлат ривожланишининг пировард мақсадига мос келади. Демак, рақамли технологиялар даврида урф-одатларимиз ҳам такомиллаштирилиши ва замонавийлаштирилиши зарур. Ижтимоий онгда, одамларнинг хатти-ҳаракатларида янгича бурилиш юз бериши, замонавий идеаллар ва қадриятлар олдинги урф-одатларимиз ва қадриятларимиз замирида шакллантирилиши лозим.

Рақамли технологиялар шароитида учинчи Ренессанс ғояси таълим, маданият, илм-фан соҳаларида юқори кўрсаткичларни, яъни АКТ соҳасида сунъий интеллект яратиш, нанотехнология, биотехнологиялар ва шу каби йўналишлардаги вазифаларни ривожлантиришни назарда тутди. Буларнинг барчаси инсон омилига қаратилган бўлиб, Президентимиз таъкидлаганидек, инсоннинг яхши турмуш қуриши, фаровон ҳаёт кечиришига мўлжалланган. “Ҳар қандай буюк режалар, буюк ғоялар инсон эҳтиёжлари, турмуши яхшиланиши, эркинлиги ортиши ва маънавий камолоти билан бевосита боғлансагина, ҳаётийлик ва реаллик касб этади. Акс ҳолда у ҳавойи орзу ҳаваслигича қолиб кетади”[122]. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, учинчи Ренессанс биздан халқаро ҳамжамиятга илм-фан, технологиялар, ахборот, маданият ва иқтисодиёт соҳаларида янада чуқурроқ интеграция бўлишини талаб этади. Аммо ўзлигимизни, тилимизни, миллий хусусиятларимизни, маънавиятимизни сақлаб қолишимиз шарт.

Стриминг технологияларининг хусусияти, энг аввало, таълим мазмунида акс этади. Шу сабабли, сунъий интеллект ва юксак технологияларга таянадиган “тўртинчи саноат инқилоби” инсонга

қўядиган талабларини олдиндан моделлаштиришимиз ва таълим-тарбия тизимини уларга мослаштиришиз кераклигини англатади.

Стриминг технологияларининг иккинчи омили ўқитувчи ва талабаларнинг муносабатлари, психологик муҳит, ўқиш жараёни иштирокчиларнинг он лайн ва оф лайндаги ўзаро муносабатлари, талабаларнинг идрок этиш фаолиятларига ўқитувчининг раҳбарлиги ҳисобланади.

Стриминг технологияларининг ривожлантирувчи вазифаси талаба нутқининг, фикрлаши, шахснинг сенсорли ва ҳаракатланиш соҳалари, эмоционал-иродавий, интеллектуал соҳаларини ривожлантиришда ўз аксини топади. Стриминг технологияларида талабани ақлий ривожлантириш, ақлий фаолият усуллари, анализ қилиш, таққослаш, таснифлаш, кузатиш, хулоса чиқариш, объектларнинг муҳим белгиларини ажрата билиш, фаолият мақсади ва усулларини аниқлашни билишга ўргатиш, унинг натижаларини текшириш малакасини ривожлантиришга эришилади.

Стриминг технологияларида ўқув материални идрок этиш ва фаҳмлаб олиш жараёнида ўзлаштириш кейинчалик уни мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришни талаб этади.

Ўргатувчилик фаолияти ёки ўқитиш, талабаларнинг ўқув фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади ва уларни машғулотлар учун уюштиришда, уларнинг диққати, тафаккури, ҳатти-ҳаракати ва ҳоказоларига раҳбарлик қилишда, улар олдида уларнинг фаолиятини тобора мураккаблаштирилган вазифаларни изчиллик билан қўйиб боришда, уларни текшириб бориш кабиларда ўз ифодасини топади (1.5-расм).



1.5-расм. Ўргатувчилик фаолиятида ўқитиш фаолияти кўриниши

Расмда акс эттирилганидек, талабани ўқитиш мазмуни унинг билим, кўникма, малака, компетенцияларни ўзлаштириш фаолиятида намоён бўлади. “Ўқув-билув фаолиятининг фарқли хусусияти унинг қандай тарзда кечиши учун характеридир. Талабанинг билиш фаолияти мақсади ҳам, мазмуни ҳам, усуллари ҳам дастурга киритилганлиги боис, талаба жалб этилаётган таълим жараёни турлича кечиши; субъект-талаба кучи фаоллиги, мустақиллиги, турлича сарф этилиши билан бориши мумкин”, - деб ёзади С.С. Ғуломов ўзининг “Таълимга инновацион ёндашувлар” номли асарида [126, 96-б.]. Демак, муаллиф таъкидлаганидек, айрим ҳолларда унинг жараёни тақлидий репродуктив, бошқаларда изланишли, учинчисидан ижодий характерга эга бўлиши мумкин. Айнан фаолият жараёнининг кечиш характери – унинг охириги натижаси эгалланган

билим, кўникма, малака ва компетенциялари характерига таъсир этади. Таълим жараёнида талабаларда улар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар асосида ҳосил қилинган амалий кўникма ва малакалар ҳамда компетенциянинг шаклланиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқитиш – ўқитувчи ва талабаларнинг мақсадга қаратилган биргаликдаги фаолияти жараёни бўлиб, бу жараёнда талабаларни ривожлантиришни амалга оширадиган билим, кўникма, малака ва компетенциялар юзага чиқади.

Стриминг технологиялари ёрдамида инглиз тилини ўқитиш жараёни учта вазифани бажаради: таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи кабилар.

Ўқув фаолияти ёки ўқиш билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб олишнинг мураккаб жараёни бўлиб, талабаларнинг интеллектуал, иродавий ва жисмоний куч-қайратини талаб этади ҳамда уларнинг ривожланишини рағбатлантиради. Ўқитувчининг оқилона бирор мақсадга қаратилган раҳбарлиги ва талабаларнинг эса фаол онгли иштирокисиз, таълим жараёнида ижобий натижалар бўлиши мумкин эмас. Таълим жараёнининг бу икки томони (ўқитиш ва ўқиш) бир мақсад: таълимнинг хилма-хил воситалари ва методларидан фойдаланган ҳолда ўқув материални эгаллаб олиш мақсади билан бирлашгандир.

Маълумки, билиш фаолиятининг субъекти талаба саналади. Шу боис ижтимоий-педагогик асосларга эга таълим марказида унинг шахси, онги, ҳам ўрганилаётган оламга, ҳам билиш фаолиятидаги ҳамкорларига: талабалар ва унинг таълим олишини ташкил этувчи ва йўналтирувчи ўқитувчилар муносабати ётади. Бу масала барча даврларда бирдек аҳамият касб этиб келган.

“Таълимда талабаларнинг фаолияти ҳақида гап борганда талабанинг билиш фаоллиги тушунчаси алоҳида аҳамият касб этади. Талабанинг

билиш фаоллиги унинг билиш жараёнидаги интеллектуал мулоҳазасида, умумий ва алоҳида топшириқларни бажаришида намоён бўлади” [72,46-б.]. Дарҳақиқат, бу хусусиятлар талабаларнинг фақатгина юқори даражадаги билим олишини кафолатлаб қолмай, балки унинг ҳаётий фаолияти, яъни талаба шахсининг шаклланиши, унинг амалиётга, ҳаётга бўлган фаол муносабати учун ҳарактерлидир. Шу сабабли билиш фаоллигини ошириш инсоннинг фаол ҳаётий қарашларини шакллантириш деб бемалол айтиш мумкин.

Талабанинг билиши худди етук илмий билиш йўли каби ҳақиқат ўқитувчи томонидан фандаги фактлар, илмий кашфиётларни ўрганиш уларнинг тарихий йўлини ўзлаштириш ёрдамида кечади[50,13-б.].

“Инсоннинг асл ижтимоий мулки сифатида фаолиятининг муҳим белгиси фаолият субъектининг атроф-муҳит билан ўзаро таъсири ва муҳим бойликлар яратувчи фаолиятининг қайта алоқасидир[79,234-б.]. Демак, билишга қизиқиш ўқишнинг энг муҳим ва энг қимматли мотиви сифатида болани мактабга, дарсларга, ўз билиш фаолиятига нисбатан ижодий муносабатига кўмаклашади.

Инглиз тили машғулотларида талабаларнинг билишга қизиқиши мотив сифатида ривожланиши ўзига хос йўлга эга бўлиши мумкин. Масалан, айрим ўқув-ҳаракатлари таъсирчисидан то бутун фаолиятнинг устувор мотивигача. Ҳатто ўқишнинг етакчи мотивларидан бирига айланиб, қизиқиш шахсининг маънавий бойишига кўмаклашувчи умумий йўналганлигининг аҳамиятли қисмига айланиши мумкин. Ҳар қандай мотив сингари билишга қизиқиш ажралган ҳолда ривожланмайди, унинг тикланиши бошқа мотивлар (ахлоқий, ижтимоий, ўқув ва ҳ.к.) билан бирга кечадики, қизиқиш улар билан бойийди ва уларга ижобий таъсир этади.

Маълумки, ўқув жараёни модели ўзида уч таркибий қисмни акс эттиради: ўқитувчи фаолияти, талаба фаолияти ҳамда ўқитувчи ва таълим олувчиларнинг жадал ўзаро фаолияти. Ўқитувчининг талабалар билан ўзаро ҳаракатини конструктив педагогика нуқтаи назаридан қатор белгиларига кўра тасниф этиш мумкин: йўналганлигига кўра (қайта алоқалар билан ёки қайта алоқаларсиз); ахборот жараёнининг турига кўра (ўзаро ҳаракатни ташкил этишда ахборот жараёнининг йўналганлик даражаси); бошқариш ва ахборотларни узатиш воситалари турига кўра.

Стриминг технологиялари асосида талабалар билимларни ўзлаштириш жараёнида турли даражадаги фаолликни намоён этишади. Ана шу сабабли, талабаларга билимларни суст равишда қабул қилади каби нуқтаи назардан қараш тўғри бўлмайди. Шу сабабли билиш фаолиятига қуйидагича ёндашиш зарур: ўқув фаолиятининг инкор этилмаган тавсифи асосида унга муносабат ўзгарадиган билишнинг қуйи даражаси; қуйидан мўтадиллашган босқичга ўтиш сифатидаги вазиятли фаолият; ўқув жараёнида ижро этувчилик фаолияти; талабанинг субъектив нуқтаи назарини максимал даражада очишга имкон берувчи ижодийлик.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб, билиш фаоллиги кўрсаткичи сифатида мўтадиллик, иштиёқ, ўрганишнинг анланганлиги, ижодий намоён бўлиши, ностандарт ўқув вазиятларидаги хулқ-атвор, ўқув вазифасини ҳал этишдаги мустақиллик ва бошқаларни айтиб ўтиш мумкин (4-расм).

Шундай қилиб, талабаларнинг ўқув жараёнидаги иштироки ва фаоллигининг намоён бўлиши – бу ривожланиб боровчи, ўзгарувчан жараён. Ўқитувчи ёрдамида талабаларнинг билиш фаоллиги қуйи даражадан вазиятли-фаолликка, ундан фаол ижрочиликка ўтиб боради. Кўп жиҳатдан талабанинг билиш фаоллиги ижодийлик даражасига кўтарилиши ёки кўтарилмасдан қолиши ўқитувчига боғлиқ.

1.3-§. Инглиз тили машғулотларида стриминг технологияларини ташкил қилишнинг дидактик тамойиллари

Инглиз тили машғулотларида стриминг технологияларини ташкил қилишда авваламбор, дидактикадаги мумтоз классификацияланган тамойилларга таянилади. Бунда таълим тамойилларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: таълимнинг мазмунга алоқадор ва ташкилий-методик тамойиллари.

Стриминг технологиялари талабаларнинг ўқув-билув фаолиятининг мазмуни, тамойиллари, шакл ва методларини янгилаш, уларнинг ўзаро алоқаси ва бирлигини таъминлаш орқали шахсни ҳар томонлама шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтиришдир.

Дидактлар (В.Подласий, О.Розиқов, Н.Скаткин, В.Пидкасистий)ларнинг ишларида шу нарса яққол кўринадики, ўқув жараёнида ўқитувчи ва талабалар орасидаги муносабат субъект-субъект тавсифига эга бўлиши зарур [96,98,103,91]. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим – бу кенг тарзда социумнинг бўлажак аъзосини умумий меҳнат, ҳамкорликка ўргатиш учун зарур бўлган биргаликдаги фаолият.

Шахснинг ривожланиши ва талабаларнинг ижтимоий аҳамиятга эга сифат ва қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган таълимнинг инсонпарварлик мазмунига яқинлашиш, уларни ҳаётда фаол иштирок этишга жалб этиш, унинг билиш билан қўшиливи ва маданиятни ўзлаштириши ҳамма-ҳаммаси сўнгги йилларда сезиларли шаклланди. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда таълимнинг табиат билан уйғунлиги тамойили муҳим аҳамият касб этади. Талабаларга инглиз тили машғулотларида ўқув материалининг тақдим қилиниши ушбу

билимларнинг улар учун тушунарли бўлишини таъминлайди. Умуман олганда, таълим жараёни талабанинг интеллектуал ривожланиши, яъни табиати билан уйғун бўлиши лозим.

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда таълимнинг маданият билан уйғунлик тамойили ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда таълим маданиятлар дунёсида фараз қилиш орқали инсонда олам манзарасини яратиш, инсоннинг табиат, бошқа одамларга, жамият, ўз-ўзига бўлган муносабатлар тизимини шакллантириш сифатида қаралади. Инсон ўзининг онги, иродаси, ҳис-туйғуси, билиш имкониятлари орқали маданий қадриятларни ўзлаштиради, бунинг натижасида индивидуал ижодийлик шаклланади. Бундай индивидуалликнинг намоён бўлишининг ўзиёқ нафақат маданиятнинг меросийлиги, истеъмол қилиниши, балки ривожланишини ҳам англатади. Бундай тушуниш педагогикадаги янги парадигма – шахсга йўналтирилган таълим асосини ташкил этувчи жамиятдаги янгича қадриятлар – шахснинг ўзини-ўзини ривожлантириши, ўзига-ўзига таълим бериш ва ўзини-ўзи лойиҳалашнинг намоён бўлишини акс эттирувчи маданият билан уйғунлик тамойилини шаклланишига олиб келади.

В.Т.Виненконинг “Личностно-образовательные технологии, направленные на взаимосотрудничество” (Казань, 2015) мавзусида ёзилган диссертациясида педагогик ҳамкорликни амалга ошириш жараёнида ўқитувчида янгиликларни қабул қилишга мойилликлик ортиши, унга ахборотларни фаол, мақсадга йўналтирилган ҳолда ўзатиш йўллари хусусида фикр баён этилган[45]. Демак, таълим соҳасида юқорида таъкидланган мақсад ва вазифалар англанилсада, унга етарлича амал қилинмаяпти. Натижада, талабаларда эгалланиши лозим бўлган компетенцияларни стриминг технологиялари асосида ривожлантиришга

сусткашлик билан ёндашилмоқда. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда таълимнинг илмийлик тамойили алоҳида эътиборни тортади. Бунда талабанинг ўқув материалидаги қонуниятларни акс эттириши, тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шарт-шароит яратиш мақсади учун зарур аҳамият касб этади. Бу тамойил таълим мазмунини замонавий фан ва техника ривожланиш даражаси, жаҳон цивилизацияси тўплаган тажрибага мос келишини ифодалайди. Бу тамойил таълим вақтида ва ўқишдан ташқари вақтда амалга ошириладиган таълим мазмуни талабаларни обектив илмий далиллар, ҳодисалар, қонунлар, замонавий ютуқлар ва ривожланиш истиқболларини очиқ беришга яқинлаштириб, у ёки бу соҳанинг асосий назария ёки концепциялари билан таништиришга йўналтирилган бўлишини талаб этади.

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда таълимнинг фундаменталлиги ва амалий йўналганлиги тамойилининг аҳамияти шундаки, талабалар чуқур назарий ва амалий тайёрликдан ўтадилар. Мазкур ҳолат анъанавий дидактикада таълимнинг ҳаёт билан, назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги тамойили сифатида ифода этилади. Ўқишда фундаменталлик билимларнинг илмийлиги, тўлиқ ва чуқур бўлишини кўзда тутаяди. У юксак интеллектуал салоҳият, фикрлаш лаёқатининг тадқиқотчилик кўринишда бўлиши, билимларини доимий равишда тўлдириб бориш истаги ва малакаларини талаб этувчи замонавий илмий-техник тараққиётга асосланганлик билан тавсифланади. Фундаментал билимлар аниқ билимларга қараганда секин эскиради, шунингдек, инсон ва хотирасига эмас, кўпроқ унинг фикрлаш лаёқатига боғлиқ бўлади. Таълимнинг фундаменталлиги билимлар мазмунининг мунтазамлиги, назарий ва амалий жиҳатдан ўзаро нисбатда бўлишни талаб этади.

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда таълим ва тарбиянинг уйғунлиги тамойили яхлит педагогик жараёнда таълим ва тарбиянинг бирлиги қонуниятларига таянади. Бу тамойил таълим жараёнида баркамол ривожланган шахсни шакллантиришни кўзда тутди. Таълим жараёнида тарбиялашнинг самарали кечиши шахснинг интеллектуал ривожланиши, биринчи навбатда, талабаларнинг қизиқишлари, идрок этиш ҳамда индивидуал қобилиятларининг ҳисобга олиниши билан боғлиқ.

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш уларнинг келгусидаги фаолияти билан боғлиқ босқичларни амалга оширишга йўналтирилади

- нутқ турлари бўйича касбий соҳада чет тилини амалий эгаллаш;
- талабани ижодий шахс сифатида ривожлантириш;
- соҳа бўйича адабиётларни таржима қилиш малака ва кўникмаларини ривожлантириш;

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш учун уларнинг тинглаб тушунишлари муҳим аҳамият касб этади:

- касбга йўналтирилган аутентик материалларни бир марта эшитиб асосий мазмунини тушуниш ва зарур ахборотни олиш;

-кундалик воқеалар ҳақида янгиликлар, репортажларни тушуниш, фильм қаҳрамонлари нутқини тушуниш. Шунингдек, гапириш:

- тил соҳиблари билан эркин мулоқотда бўлиш ва касбий мавзуларга ўз фикр ва мулоҳазаларини исботлаб бериш;

-суҳбатни бошлаш ва тугатишни билиш, суҳбатдошига таклиф ва маслаҳат бериш, саволларига жавоб бериш, ахборот алмашиш, муҳокама қилинаётган далилларни аниқлаштириш, ўқиган ёки эшитганларини муҳокама қилиш;

-инглиз тилидаги матннинг асосий мазмунини ифодаловчи лексик ва синтактик қурилмаларга асосланиб гапириб бериш;

-ассоциатив тафаккурга асосланиб мулоҳаза, танқид, баҳолаш далиллар билан исботлаш орқали ўз нутқини тузиш;

-риторик характерга эга диалог нутқ малакаларини такомиллаштириш;

-касбий мулоқотлар, конференция, симпозиум, учрашув ва мунозараларда қатнашиш учун нутқ фаолияти, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш учун инглиз тили машғулотларида қуйидаги йўналишдаги ишларни амалга ошириш мумкин:

-долзарб муаммо юзасида барча “Тарафдор” ва “Қарши” далилларни келтирган ҳолда ўз фикрини баён қилиш;

-инглиз тилида тинглаган ва ўқиган матн мазмунини гапириш;

-мазмунга баҳо бериш;

-мавзулар бўйича ахборот бериш ва ҳ.к.

Талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда таълимнинг тизимлилиги ва изчиллик тамойили баён қилинаётган ўқув материални мустаҳкамлаш ва илгари ўтилган материалларни тўлдиришга хизмат қилишини, талабаларнинг узлуксиз ва тизимли суръатда мустақил иш олиб боришларини, талабаларнинг ўзлаштирган билим ва ҳосил бўлган кўникма, малакаларини ҳисобга олиб боришни ҳам ўз ичига олади.

Изчиллик таълим мазмуни, унинг шакли ва усуллари, ўқув жараёни иштирокчилари бўлган субъектларнинг ўзаро муносабатларига тааллуқли. У алоҳида парсиал (юнонча партиалис – қисман) ва хусусий ўқув вазиятлари, предмет ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқлик, алоқадорлик

қонуниятларини аста-секин ўзлаштириш асосида уларни ягона яхлит ўқув жараёнига бирлаштиришга имкон беради.

“Изчиллик таълим жараёнининг маълум тизим ва кетма-кетлик асосида бўлишини назарда тутади, зеро, мураккаб масалаларни оддий масалаларни ўрганмай туриб ҳал этиб бўлмайди” [45,112-б.]. Демак, тизимлилик ва кетма-кетлик инглиз тилидан у ёки бу ўқув материални ўзлаштириш суръати, унинг элементлари ўртасидаги ўзаро мослигини таҳлил қилишга имкон беради. Таълимнинг тизимлилиги ва кетма-кетлиги талабанинг инглиз тили бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш, борлиқни яхлит идрок этиш ўртасидаги қарама-қаршилиқни ҳал этишга имкон беради. Ушбу ҳолатлар биринчи навбатда дастур ва дарсликларни муайян тизимда яратиш, фанлараро ҳамда фанлар ичидаги боғлиқликни таъминлаш эвазига намоён бўлади.

Стриминг технологияларини қўллашда талабалар учун визуал тафаккур айниқса муҳимдир. Таълим жараёнида ахборот унинг таркибий қисми ҳисобланади. Талабалар таълим жараёнида ахборотларни қабул қиладилар ва ўз онгларида қайта ишлайдилар. Уни ўзлаштириш натижасида талабалар муайян ўқув ҳамда ижтимоий ҳаракатларни амалга оширадилар.

Бугунги кунда мустақил билим олиш ва ўз фаолиятини ташкил этиш назарияси доирасида очиқ характердаги номунтазам воситалар ёрдамида ахборотларни ўзлаштириш ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш механизмлари яратилган. Улардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

АКТ воситасида ташкил этилган педагогик жараён нафақат оддий, балки мураккаб дидактик вазиятлар самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

“ ...инсон танаси, мияси, сезги органлари туғилишидан мавжуд, лекин ақлий билими, маънавийлиги, руҳий ва ахлоқий хислатлари... бошқа инсонлар билан мулоқотда вужудга келади. Инсон ўз фаолияти ёрдамида уларни эгаллайди, уларга эришади...”[26,78-б.].

Маълумки, ҳар қандай ахборот-коммуникацион технология ўқув жараёнининг янги лойиҳасини ифодаловчи таълим тамойилларига асосланган бўлиб, талаба шахсига йўналтирилиши лозим. Шундай экан, инглиз тилини ўрганиш жараёнида талабалар ўзаро фикр алмашадилар, уларнинг ҳар бирига қобилияти, эҳтиёжи, кучи ва хоҳиши доирасида билим олиш имконияти яратилади.

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик тамойили ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутадик, бунда талабалар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усуллари онгли ва фаол эгаллаб олишлари лозим. Билимларни онгли равишда ўзлаштириш қуйидаги омил ва шартларга боғлиқ: ўқув мотивлари, талабаларнинг фаоллик даражаси, ўқув-тарбиявий жараённинг самарали ташкил этилиши, ўқитувчи томонидан қўлланувчи таълим методлари ва воситаларининг самарадорлиги ва бошқалар. Талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштиришларида фаолликлари репродуктив ва ижодий характерга эга бўлиши мумкин. Мазкур тамойил талабаларнинг ташаббускорликлари ва мустақил фаолиятларини назарда тутди.

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда таълимда кўрсатмалилик тамойили ўқитиш жараёни сифатини оширади, талабаларнинг билим олишларини осонлаштиради. Я.А.Коменский уни дидактиканинг «олтин қондаси» деб атаган. Унга биноан таълимда инсон сезги оргаларидан фойдаланиш керак. [71, 56-б.]. “Агарда биз талабаларда ҳақиқий ва аниқ билимлар

пайдо қилишни истасак, унда биз умуман ҳамма нарсага шахсий кузатиш ва сезиб кўриш билан таълимга интилишимиз керак – деб таъкидлайди О.Розиқов – агарда қандайдир предметни бараварига бир неча сезги органлари билан қабул қилиш мумкин бўлса, майли улар бараварига бир неча сезгилари билан ўрганилсин” [98, 81-б.]. Таълимнинг ушбу талабаларга мос бўлиш тамойили муаммоли ўқитиш асосида уларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзаро тенг имкониятларга эга бўлган талабалар гуруҳида конструктив зиддиятлар ғояси ишончли, тушунарли принцип сифатида баҳоланади. Конструктив характердаги зиддиятлар қарама-қаршиликлар атрофида айланиб, уларнинг гуруҳли мунозара йўли билан ечилишилини таъминлайди, инглиз тилига оид топшириқларни ечишнинг қулай стратегияларини қўллашни тақозо этади. Талабаларнинг нуқтаи назарларини мувофиқлаштириш уларга ўз қарашларини эркин баён этиш имконини беради. Талабалар гуруҳида муаммоли таълим қуйидаги тарзда ташкил этилиши керак:

интеллектуал характердаги қарама-қаршиликларни ҳосил қилиш;

АКТ воситасида талабаларнинг ҳаракатларида таҳлилийликни кучайтириб, гуруҳ фаолиятида кутилган самарадорликка эришишни таъминлайдиган зиддиятларни аниқлаш ва бартараф этиш;

талабаларнинг ўз-ўзлари билан ҳамкорликка киришишларини таъминлаш.

Бунда инглиз тилида тақдим қилинаётган материалнинг мазмуни унинг ҳажми, характери, у ёки бу гуруҳ талабаларининг инглиз тилини ўзлаштирганлик даражасига, умумий тайёргарлигига – савияси ва имкониятларига лойиқ бўлиши тушунилади.

“Талабаларнинг психик хусусиятлари, шахсий ривожланганлик даражаси, маънавий-ахлоқий сифатлари, ижтимоий етуклигини баҳолай

олишни назарда тутеди. Агарда қўйилаётган талаблар ёки таълимнинг ташкилий тузилиши талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштиришларида ортда қолса ёки илгарилаб кетса, ўқув фаолиятининг самараси пасаяди. Индивидуал ёндашиш талабаларнинг мураккаб ички дунёсини ўрганиш, юзага келган муносабатлар тизимини таҳлил қилиш ва шахс шаклланиши содир бўладиган кўп турдаги шароитларни аниқлашни талаб этади” [124, 18-б.].

Инглиз тилини ўқитишда стриминг технологияларидан фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди. Бунда таълимдаги билим кўникма ва малакаларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш тамойили муҳим дидактик талаб ва қоидаларни, яъни талабалар томонидан тизимли ва онгли ўзлаштирилган илмий билимларни мустаҳкам, визуал эсда сақлаб қолиш ҳамда ўзлаштирилган илмий билимларни ўз турмуш фаолиятларида қўлай олиш малакалари билан қуроллантиришни назарда тутеди.

Замонавий шароитда фан ва техника ривожини таълим ва унинг натижаларига қўйиладиган талабларни тубдан ўзгартиришни талаб этмоқда ва ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда таълим мазмунини модернизациялашни даврнинг ўзи педагогларнинг олдига муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Инглиз тили машғулотларида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш учун мўлжалланган АКТ воситалари ўқитувчи томонидан ўқитишнинг янги шакллари, методлари ва усуллари тақдим этиш асосида такомиллаштирилади. Бундай воситалар сирасига табақалаштирилган ишлар учун мўлжалланган электрон таълимий топшириқлар(ЭТТ), мантиқий характердаги электрон машқлар (МХЭМ), талабаларни атроф-муҳит билан таништиришга бағишланган саволлар ва электрон топшириқлар, баҳолаш, ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилиш характердаги электрон топшириқлар ҳамда туркум машқларни киритиш мумкин (1.2-жадвал).

1.2-жадвал.

Талабаларда инглиз тилини ўзлаштиришга йўналтирилган стриминг технологиялари воситалари

Стриминг технологияларидаги восита турлари	Кутиладиган натижа
Компьютер устқурмалари	Интернетдан олинадиган маълумотларни ёзиб олиш, саралаш ва интерпретация қилиш қобилиятини ривожлантиради
Электрон доска	Интернетдан олинадиган маълумотларни кўриш, кинестетик ҳис қилиш
Электрон таълимий топшириқлар (ЭТТ)	Инглиз тилидаги нутқ нормаларини пухта ўзлаштириш
Аудиовизуал характердаги электрон машқлар (МХЭМ)	Аудиовизуал топшириқларни англаш, қарорлар қабул қилиш лаёқатининг шакллантирилиши
Атроф-муҳит билан таништиришга мўлжалланган электрон топшириқлар	Инглиз тили ўқув фани мазмунига таянган ҳолда ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш
Назорат қилиш характердаги электрон топшириқлар	Эгалланган билим, кўникма, малакалар, компетенцияларни аниқлаш
Электрон таълимий тренажёрлар	Ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш

1.2-жадвалда акс эттирилганидек, талабаларда инглиз тилини ўзлаштиришга, уларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган АКТ воситаларига таяниш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради. Чунки АКТ технологияси ёрдамида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- талабаларга билим, кўникма, малакаларни эгаллаш, компетенцияларни ривожлантириш учун кўмаклашиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилишига имконият яратиш;

- талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш, зарур бўлган шахсий сифатларни шакллантириш;

- ҳар бир талабанинг тил нормаларини ўзлаштиришлари, руҳий ҳамда ҳиссий жиҳатдан ривожланишини таъминлаш кабилар.

талабаларда инглиз тилини ўзлаштиришга, уларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган АКТ воситаларига таяниш асосида ўқув мазмунининг самарадорлиги таъминланади.

Таълимнинг чуқурлиги ва мустаҳкамлиги талаби дидактикада анъанавий ҳисобланади ва у юзакиликка қарама-қарши қўйилади. Чуқур, мустаҳкам билимнинг асосий белгиси энг фундаментал ғоялар, қоидалар, тушунча, категорияларни тушуниш, чуқур ўзлаштириш, ўрганилаётган материаллар мазмунини пухта англашдан иборат.

Таълимнинг тушунарлилиги тамойили талабаларнинг мавжуд имкониятларини ҳисобга олиш, тил нормаларини ўзлаштиришларига салбий таъсир этувчи интеллектуал ва эмоционал қийинчиликлардан воз кечишни талаб этади. Таълимнинг тушунарли бўлиши талабаларнинг ёши, билиш имкониятларини ҳисобга олиб ўқишнинг мазмунини тўғри аниқлаш демакдир. Бу тамойил ўқув жараёнининг талабаларда қийинчиликларни енгиш истагини ҳосил қилувчи ва шахсий муваффақиятларининг натижаларидан қувониш туйғусини юзага келтиришга йўналтирилганлигини ифодалайди. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда талабаларнинг эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг аниқ белгиланган ҳажми ва кўлами муҳимдир.

Стриминг технологиялари мазмуни такомиллашиб бориш тавсифига эга бўлиб, уни аниқловчи асосий омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) жамиятда фан, техника ва маданиятнинг ривожланганлик даражаси;

- 2) жамият томонидан қўйиладиган ижтимоий буюртма;
- 3) таълимнинг мақсад ва вазифалари;
- 4) инновацион ривожланиш даражаси;
- 5) ахборотларнинг ҳажми ва кўлами;
- 6) талабаларнинг интеллектуал жиҳатдан ривожланганлик, дунёқараш кўламининг хусусиятлари.

Айрим ҳолатларда олий таълимда ташкил этилаётган ўқув-тарбия жараёнининг моҳияти талабаларнинг эҳтиёжлари ва қобилиятларини ривожлантириш эмас, балки ўқув фанлари бўйича асосан билимларни ахборот-вербал тарзда етказиш, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат бўлиб қолмоқда. Бундай репродуктив тарзда ўзлаштирилган маълумотлар талабанинг амалий фаолият тажрибасини ривожлантиришга етарлича имкон бермайди. Оқибатда талабаларда жуда кўп ахборотларнинг беҳуда жамғарилаётганлиги, таълимнинг самараси паст бўлиши ва унинг реал воқеликка мос келмаслиги каби тафовутлар кўзга ташланмоқда. Аниқроғи, талаба реал ҳаётдан узоклашиб қолгандек, унинг олдига фақат илгаридан тўпланган ахборотларнигина ўзлаштириш мақсади қўйилгандек туюлади. Таълимнинг мақсадини бундай тарзда белгилаш талабанинг фаоллигини чеклаб қўяди, оқибатда унинг ҳам шахсий, ҳам ижтимоий жиҳатдан анланган маъноси йўқолади.

Бундай муаммоли вазиятдан чиқишнинг ягона йўли олий таълимда янгича, яъни, стриминг технологиялари бўйича ўқитиш ёндашувини жорий этишдир.

Шундай қилиб, инглиз тили машғулотларини стриминг технологиялари асосида ташкил қилишда талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш тақоза этилмоқда. Бу эса, ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги ва бунда компетент ёндашув олий таълимни модернизациялаш нуқтаи назаридан

амалий фаолият тажрибаси, компетенция ва компетентликни дидактик бирликлар сифатида кўриб чиқиш ҳамда таълимнинг анъанавий уч элементи (триада) – «Билим – Кўникма – Малака»ни олтига бирлик (сикстет) – «Билим – Кўникма – Малака – Амалий фаолият тажрибаси – Компетенция – Компетентлик» тарзида таҳлил этилишини талаб этади. Инглиз тилида тақдим қилинаётган материалнинг мазмуни унинг ҳажми, характери, у ёки бу гуруҳ талабаларининг инглиз тилини ўзлаштирганлик даражасига, умумий тайёргарлигига лойиқ бўлиши лозим.

БИРИНЧИ БОБ ЮЗАСИДАН ХУЛОСАЛАР

1. Жаҳон таълим тизимида IT таълим технологиялари асосида таълимни ташкил қилиш масалаларини ўрганишга бўлган эътиборнинг кучайиши замирида турли ахборот-коммуникацион таълим технологиялари воситасида таълимни самарали ташкил қилиш масалаларини тадқиқ этиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Айниқса, сўнгги йилларда масофавий таълим таълим шакллариининг илғор кўриниши сифатида тан олинаётган бир пайтда стриминг технологияларидан фойдаланиш ва шу асосда инглиз тилини ўрганаётган ёшларни келгусида эгалланадиган касбини чуқур билиш, мантиқий ва изчилликда мушоҳада юритиш, ижодий ва диввергент тафаккурини ўстириш, тилларни ўзлаштиришни жадаллаштириш долзарб ижтимоий-педагогик масалалар сирасига киради.

2. Мамлакатимиздатўртинчи саноат инқилоби билан боғлиқ бўлган учинчи Ренессанснинг шаклланиши жамиятимизда технологик инқилобни, юксак ривожланган рақамли SMART (ақлли) иқтисодиётни тақозо қилади. Бу эса, рақамли, смарт иқтисодиётига ўтиш палласида таълим жараёнига турли АКТ технологияларини босқичма-босқич татбиқ этиш, инсон фаолиятини автоматлаштиришни талаб этади.

3. Чет тили ўқитиш технологияларини такомиллаштириш, талабаларнинг ижтимоий-лингвистик билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини ривожлантириш, тил ўрганиш малакаларини узлуксиз оширишнинг назарий асосларини ривожлантиришга доир илмий-назарий тадқиқотлар олиб борилишига қарамасдан, талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини, нутқий кўникмаларини ривожлантиришнинг янги моделларини жорий қилиш, шунингдек, уларнинг етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлиши учун стриминг технологиялари воситасида

эгалланган билим ва кўникмаларини тизимлаштиришга оид илмий тадқиқотлар олиб боришга эҳтиёж мавжуд.

4. Илмий манбалар, тадқиқотлар ва ишланмалар таҳлили мамлакатимизда сўнгги йилларда ёшлар томонидан чет тилларни, хусусан, давлатлараро маданият воситаси бўлган инглиз тилини пухта эгаллаган, етук мутахассисларни етиштириш масаласига катта эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Бу масаланинг давлат аҳамиятига молик вазифалар сирасига киритилиши ҳар жиҳатдан таълим жараёнига инновацион технологиялар қаторидан ўрин олган стриминг технологиялари юзасидан жаҳон тажрибасини ўрганиш, уни танқидий асосда амалиётга татбиқ қилиш муҳимлигини кўрсатди.

5. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолияти инглиз тилидан билим, малака, кўникма, компетенцияларни эгаллаш жараёни бўлиб, янги кадрларни етиштиришга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий тадбирлар йиғиндиси эканлиги аниқланди.

6. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш учун конструктив характердаги зиддиятли метод ва усулларга, АКТ воситаларига таяниш лозим. Ушбу когнитив қарама-қаршиликлар талабалар томонидан инглиз тили грамматикаси ва нутқ нормаларини эгаллашга замин ҳозирлаши аниқланди.

Шундай қилиб, инглиз тилининг мамлакат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда ўзга мамлакатлар билан алоқага киришивудаги тутган ўрни, чет тилларни ўқитишда ахборот-коммуникация тизимлари, электрон ва мультимедиа дарсликларини яратиш вазифаларини амалга ошириш тақозо этилаётганлиги талабаларда инглиз тилини ўзлаштиришда Стриминг технологиялари асосида уларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради ва долзарб вазифалар қаторидан ўрин эгаллайди.

II-БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МАШҒУЛОТЛАРНИ СТРИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ТЕХНОЛОГИК МАЗМУНИ, ШАКЛ, ВОСИТА ВА МЕТОДЛАРИ

2.1. Олий таълимда инглиз тилидаги машғулотларни стрим технологиялари асосида ташкил қилиш мазмуни, шакллари, методлари, воситалари.

Олий таълимда инглиз тилидаги машғулотларни стрим технологиялари асосида ташкил қилиш мазмуни ўзига хос хусусиятларга эга. Электрон ахборот таълими муҳитини яратиш, масофавий ўқитиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш учун технологик база сифатида қуйидаги булутли Google хизматларидан фойдаланишни таклиф этиш мумкин:

Classroom ушбу хизматдан фойдаланган ҳолда ўқитувчилар ўқув онлайн курсларини яратиш ва улардан фойдаланиш, мавзулар, топшириқлар, мунозаралар яратиш, янгиликлар лентасини киритиш, исталган форматдаги файлларни юклаш, ҳаволаларни кўшиш, бошқа ўқитувчилар ва талабаларни боғлаш, автоматик равишда синфлар китобини яратиш каби имкониятига эга бўлишади. Бироқ, шунини таъкидлаш керакки, ушбу хизмат фақат ихтисослашган Google Education муҳити доирасида тақдим этилади.

Диск, ушбу хизмат ёрдамида ўқитувчилар ва талабалар исталган форматдаги файлларни шахсий виртуал маконига юклаш ва сақлаш имкониятига эга.

Ўқитувчилар «Classroom» хизматидан фойдаланган ҳолда онлайн курсларни яратишда, тўлдиришда, ўзгартирганда, барча файллар автоматик равишда тегишли номдаги папкаларда Дискка кўпайтирилади. Ушбу хизматлардан фойдаланган ҳолда ҳужжатлар, жадваллар,

тақдимотлар, шакллар, веб-сайтлар ва бошқалар ўқитувчилар ва талабалар яқка тартибда ва биргаликда турли хил матнли, график ва жадвалли хужжатлар, сўровномалар ва тестлар, веб-сайтлар, блоглар ва бошқаларни яратиш, таҳрирлаш ва кўришлари мумкин. яратилган файллар шахсий дискда сақланади.

Hangouts хизматидан фойдаланган ҳолда, ўқитувчилар ва талабалар қисқа вақт ичида бир-бирлари билан хабар алмашишлари, гуруҳ суҳбатлари ташкил қилишлари, бир-бирларига кўнғироқ қилишлари ва реал вақтда видео учрашувлар ўтказишлари мумкин.

YouTube хизмати ёрдамида ўқитувчилар ва талабалар қуйидаги имкониятларга эга бўлишади: 1) ўз видео каналларини яратиш, видеоларни юклаш, таҳрирлаш ва нашр этиш; 2) натижада олинган видеони каналда ва шахсий компьютерда сақлаш ва таҳрирлаш билан жонли эфирларни олиб бориш (биринчи усул Hangouts орқали, бу ҳолда фақат веб-камерадан олинган тасвир ва овоз трансляция қилинади, иккинчи усул махсус видеокодер ёрдамида, масалан, Open Broadcaster Software (OBS) видео ёзиш ва оқим учун бепул ва очиқ кодли дастурий таъминотдир (ушбу дастур ҳақида кўпроқ маълумотни расмий веб-сайтда: <https://obsproject.com> сайтида олишингиз мумкин), албатта, ушбу дастур кўпроқ имкониятларни тақдим этади оқим учун).

Юқорида стриминг технологияларига кирувчи ушбу барча хизматлар ўзаро фаолият платформалардир, яъни улар мобил қурилмаларда (Android, IOS, Windows Phone | RT | 10 Mobile) операцион тизимида) ва шахсий компьютерларда (Windows, Linux, Mac операцион тизимларида) ишлатилиши мумкин.

Булутли хизматлардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш тўғрисида Б.Е.Стариченко, С.С.Арбузов ишларида маълумот топиш мумкин [109]. Тадқиқотчилар ўз ишларида онлайн трансляциялар, веб-

конференциялар, веб-семинарлар ва турли видеоконференциялар ўтказишни, намойиш қилишни таҳлил қилишган [109,19-б.]. Ушбу ишланмалар стриминг технологиялари асосида хулосалар чиқаришга имкон беради. Муаллифларнинг бир қатор илмий ишланмаларида ўқитувчилар фаолиятида стрим технологияларини татбиқ қилиш борасида фикр юритилган [109,22-б.]. Муаллифлар томонидан кўрсатилган моделни таҳлил қилиш асосида, стриминг ишларида технологиялардан фойдаланиш он лайн ўқув хонасидаги юкни камайтиради ва аудиториядан ташқари ўқув машғулотларини кўпайтиради, ҳақиқий учрашувларни виртуал учрашувлар билан алмаштиради.

Гарчи тадқиқотчилар стриминг (трансляция) технологиялари, Интернетдаги жонли трансляциялар IT фанлари бўйича масофадан ўқитишда кўпроқ қўлланилади,-деб фикр билдиришса-да, биз мазкур технологиялардан бошқа ўқув курсларини ўқитишда ҳам олий таълим тизимида фойдаланиш мумкин,-деган хулосага келдик.. Буни қуйидаги омиллар бўйича баҳолаш мумкин:

биринчидан, инглиз тилини ўрганишда стриминг пайтида видео ва аудио сигналлар Интернетда бир манбадан кўплаб қабул қилувчиларга узатилади (ушбу ёндашув билан ўнлаб ва ҳатто юз минглаб томошабинлар трансляцияни томоша қилишлари мумкин);

иккинчидан, веб-семинар технологиялари билан таққослаганда, стриминг технологиялари кўпроқ функционал имкониятларга эга ва уларни созлаш камроқ вақтни олади;

учинчидан, стриминг технологияларидан фойдаланиш қимматли профессионал ускуналар ва дастурлардан фойдаланишни талаб қилмайди. Шу билан бирга, ўқитувчининг компьютер синфида дарс ўтказиш ёки стриминг технологияларидан фойдаланган ҳолда трансляция ўтказиш

учун сарфлаган вақти, бизнингча, таққосланганда ижобий самара бериши мумкин.

Стриминг эшиттиришни ўтказиш учун қуйидагилар зарур бўлади: юқори кўрсаткичларга эга бўлган шахсий рақамли қурилма (компьютер, ноутбук, планшет); юқори тезликдаги Интернет алоқаси; микрофон ва веб-камера. Кейинчалик ривожланган эшиттиришлар учун профессионал жиҳозлардан фойдаланиш тавсия этилади: овозли ва видеокарталар, микрофонлар, камералар, аудио ва видеокоммутаторлар.

YouTube ва бепул OBS дастурий таъминоти оқим учун платформа сифатида таклиф қилинади. Ушбу маҳсулотлардан комплекда фойдаланиш ўхшаш веб-хизматлар ва дастурларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга [8; 9]:

Юқори сифатли трансляция оқимини янгитдан кўриш, қайтариш ва реал вақтда исталган лаҳзани томоша қилиш имконияти мавжуд;

Трансляцияни ёзиб олиш тугагандан сўнг шарҳлар қолдириш учун яна рўйхатдан ўтиш шарт эмас, чунки кўпчилик аллақачон Google ҳисоб қайдномасига эга;

сақланган трансляцияни таҳрирлаш имконияти мавжуд;

Маълумки, YouTube - дунёдаги энг йирик видеохостинг сайтларидан биридир. OBS эса кенг имкониятларга эга: турли хил манбалардан (веб-камералар, иш столи экранлари, деразалар, ўйинлар, дастурлар, графикалар, презентациялар ва бошқалар) расм, видео ва аудио ёзиб олиш, бир нечта сахналардан фойдаланиш, уларнинг жойлашуви ва улар орасидаги ўтишларни ўрнатишга имкон яратади.

Биз тадқиқот даврида (2017-2020 йиллар) олий таълимда инглиз тилидаги машғулотларни стрим технологиялари асосида ташкил қилиш мазмунини ўрганар эканмиз, ушбу технологияни қўллашда қуйидаги

шаклллар, методлар ва воситалар самарали эканлигини аниқладик (2.1-жадвал).

2.1-жадвал.

Стрим технологиялари бўйича машғулотларни ташкил қилиш шакллари, методлари, воситалари

Стрим технологиялари шакллари	Методлар	Воситалар	Натижа
Онлайн маъруза	Онлайн диалог сухбат, кўргазмали	Юқори тезликдаги Интернетга уланиш; микрофон ва веб-камера;	Рақамли ўқув ритмини таъминлаш; ўқув жараёнини режалаштиришнинг мослашувчанлигини
Синхрон	Брейнштурминг, интерфаол	профессинал жиҳозлардан	ошириш ва талабаларни ўз-
Асинхрон (офлайн)	Интерфаол	фойдаланиш: овозли ва	ўзини ўрганишга ундаш;
Онлайн консултация	Кўргазмали, амалий	видеокарталар, микрофонлар, камералар, аудио ва видео	талабаларнинг билимларини мустақил бошқариш воситаларидан
Онлайн курси	Онлайн диалог, интерфаол	овозли ва видеокарталар	фойдаланиш амалиётини
Вебинар	Онлайн диалог	микрофонлар,	кенгайтириш
Презентацияли	Интерфаол		

дарс		камералар,	
Телекўрсатув	Кўрғазмали, интерфаол	Микрофон, веб- камера	

Жадвалда ифодаланганидек, асосида олий таълимда инглиз тилидаги машғулотларни стрим технологиялари воситасида ташкил қилиш анъанавий таълимга нисбатананча самарали кечади. Масалан, вебинарлар, телекўрсатув, кинофильм, театр, цирк ва шоу томошалари, онлайн консультациялар талабаларда катта қизиқиш уйғотади.

Стрим технологиялари асосида ўқитиш бир қатор мақсадларга эришишга ёрдам беради - таълим имкониятларини кенгайтириш, ўқув ритмини таъминлаш, талабаларни интизомни ўрганиш давомида иштирок этиш, аудиториядаги юкломани камайитириш, ўқув жараёнини режалаштиришнинг мослашувчанлигини ошириш ва талабаларни ўз-ўзини ўрганишга ундаш, талабаларнинг билимларини мустақил бошқариш воситаларидан фойдаланиш амалиётини кенгайтириш. Шунингдек, талабалар ўртасида ахборот тизимлари ва технологиялари соҳасидаги ваколатларни шакллантириш даражасини оширади ва уларнинг шаклланиши билан боғлиқ бир қатор дидактик муаммоларни ҳал қилади.

Биз тадқиқот даврида (2017-2020 йиллар) Гулистон давлат университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ва Навоий давлат педагогика институтларининг факультетлараро Инглиз тили ўқув курси бўйича 1-курс талабаларига стриминг технологиялари асосида дарс машғулотларини ташкил қилдик. Бунда машғулотларда талабалар билан Интернетда экспериментал тарзда тўғридан-тўғри трансляцияларни ташкил этиш ва ўтказишни таҳлил қилиш, стрим технологияларидан фойдаланиш усулларини - масофавий ўқитиш ИТ воситаларидан фойдаланиб, аудитория ва аудиториядан

ташқари машғулотларда ўқув мавзуларининг намоёишини (трансляциясини) тайёрлаш, эфирга узатиш ва сақлашни қуйидаги босқичларда амалга оширдик:

ўқув тадбирларини режалаштириш, ушбу босқични ўқитувчи ташкил қилди ва олиб бориш;

талабаларга онлайн курсни ўрганиш мақсадлари ва вазифалари, келгуси ўқув тадбирлари вақти ва технологиялари тўғрисида маълумот бериш;

синхрон онлайн режимдаги консультациялар тўғрисида маълумот берувчи эшиттиришлар тайёрлаш;


асинхрон машғулотлар (офлайн режим)ни ташкил қилиш. Бу босқичда ўқитувчи ва талабалар олдинги трансляциялардан олинган скринингларни кўриб чиқдилар.

Бу алфозда ташкил қилинган аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар талабаларда катта қизиқиш уйғотди. Масалан, 1-курс талабалари ўртасида “Спорт менинг ҳаётимда” мавзуси ўрганилаётганда талабалар Интернет орқали намоёиш этилган дарс машғулотини ёзиб олдилар ва қуйида берилган топшириқ асосида “Қишки спорт ўйинлари” мавзусидаги топшириқни бажаришга киришдилар (-расм)

Theme: Winter sports

Your Extra Home Task

4. Complete the chart according to your opinion

Winter Sports					
					
ice hockey		figure skating		ski-jumping	
advantages	disadvantages	advantages	disadvantages	advantages	disadvantages
Conclusion:					

Score: 30


2.1-расм. Трансляция орқали ёзиб олинган топшириқлар (а).

Theme: Winter sports

Your Home Task

3. You have to find more information about ice hockey, skating or skiing (example: its rules, equipments and etc.)

Example:



Score: 1 scores for a right word

2.2-расм. Трансляция орқали ёзиб олинган топшириқлар (б).

Theme: Winter sports











Your Home Task

1. Make the chart and write definitions of the given words

Winter sports terms	Definition of the words
biathlon	
skating	
speed skating	
curling	
alpine skiing	
ski jumping	
snowboarding	
figure skating	Score: 8

2.3-расм. Трансляция орқали ёзиб олинган топшириқлар (с).

Гулистон давлат университетининг 1-курс талабалари ўртасида “Инсон дўстлари” мавзуси ўрганилаётганда талабалар Интернет орқали намойиш этилган дарс машғулоти ёзиб олдилар ва қуйида берилган топшириқ асосида топшириқни бажаришга киришдилар (2.4-расм).

Homework		“Чархлалак” элементи				
No	Animals	Domestic	Wild	Food	Colour	
1	 Cat					
2	 Bear					
3	 Tiger					
4	 Cow					
5	 Wolf					
6	 Dog					
7	 Rabbit					
8	 Horse					
9	 Lion					
10	 Monkey					

2.4-расм. Трансляция орқали ёзиб олинган фаоллаштирувчи топширик

Theme: Wintersports

Your Home Task

2. Complete the exercise which is shown in the example

Example:

<u>Kosimov</u>	<u>play</u>	<u>fast</u>	<u>football</u>	<u>famous</u>	<u>run</u>	<u>player.</u>
			<u>soccer</u>	<u>kick</u>	<u>the best</u>	

1 noun
2 adjectives
3 verbs
1 sentence
synonym

Score: 8 scores for one completed exercise

2.5-расм. Трансляция орқали ёзиб олинган топшириқлар асосида тадлабалар томонидан бажарилган топшириқ.

Расмлардан кўриниб турибдики, талабалар стриминг технологиялари асосида ўқитувчи томонидан тақдим қилинган топшириқни машғулот даврининг ўзидаёқ ёзиб олиши, уни бажариб бўлгач, масофавий таълимда яна қайта намойиш этишга имконияти мавжуд. Бу биринчидан, вақт тежалишига, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги интерфаолликни кучайтиришга, иккинчидан ўрганилаётган ўқув модулига қизиқишни орттиришга, учинчидан, дидактикадаги муҳим тамойиллар: кўргазмалилик, тушунарлилик, назария ва амалиётнинг бирлиги тамойилларининг таъминланишини вужудга келтиришини исботлади.

Тажрибавий машғулотларда стриминг ўтказиш учун қуйидагилар бўлиши таъминланди:

Юқори ишлаш хусусиятли шахсий рақамли қурилма(компьютер, ноутбук, планшет);

Юқори тезликдаги Интернетга уланиш;

Микрофон ва веб-камера.

Профессионал жиҳозлардан фойдаланиш: овозли ва видеокарталар, микрофонлар, камералар, аудио ва видео алмаштиргичлар.

Тажрибавий машғулотларда стрим технологиялари учун қуйидаги платформалархизматидан фойдаланиш тавсия этилди: Ютуб ва бепул дастурий таъминот ОВС. Комплекса фойдаланиш учун ушбу маҳсулотларнинг бир қатор афзалликлари борлиги аён бўлди:

1-дан, шунга ўхшаш веб-хизматлар ва дастурларга нисбатан 8-10 баробар юқори сифатли трансляцияга эга бўлиш (1920x1080, 60 fps кадар);

2-дан, намоиш этишни орқага қайтариш;

3-дан, реал вақтда ҳар қандай машғулот дақиқасини қайтариб кўриш ва бошлашга имконият мавжудлиги;

4-дан, трансляцияни ёзиб олиш тугагандан сўнг дарҳол топшириқларни бажаришга имкониятнинг мавжудлиги;

5-дан, ўқитувчи, ёки аудиториядаги талабалар учун, ёхуд, таълим иштирокчисига индивидуал шарҳлар қолдириш учун яна рўйхатдан ўтиш шарт эмаслиги ва бошқалар. Кўриб турганимиздек, стриминг технологиялари масофавий таълим олишда энг қулай, вақтдан тежамли фойдаланиш учун мўлжалланган технология эканлиги ўз тасдиғини топди. Энг асосийси, инглиз тилини ўрганишдаги қулайлиги: намоиш этилаётган ахборотларни тинглаш, уларни тушуниш, идрок этиш, жоиз бўлса, қайтадан кўриш ва эшитиш, тинглашга катта имконият яратиши маълум бўлди.

Тажрибавий машғулотларда дунёдаги энг йирик видеохостинг сайтларидан бири Ютубдан фойдаланиш (нафақат турли янгиликларни ўқиш, балки таълимий мақсадларда фойдаланиш) имконияти ўрганилди. Шунингдек, тажрибавий машғулотларда ОВС кенг имкониятларга

эгаллиги, яъни турли хил расмларни, видео ва аудиоларни ёзиб олиш, манбалар (веб-камералар, иш столи экрани)дан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш, жадваллар, компьютер ўйинлари (геймлар), дастурлар, графиклар, тасвирлар, презентациялар ва бошқалар) билан ишлаш малакаларини ривожлантириши, бир нечта саҳналардан фойдаланиш, уларнинг жойлашуви ва улар орасидаги ўтишларни белгилашга имконият мавжудлиги ўз тасдиғини топди. Масалан, Гулистон давлат университетида тажрибали дарсларга жалб қилинган 194 нафар талабалар ва 62 нафар ўқитувчилар онлайн курслари, стрим технологияси хақида тушунчаларга эга бўлдилар. Улардан 81 % стрим технологиялари асосида воқеалар, ҳисобот бериш усуллари ва саналари, бажарилган топшириқларни ўз вақтида намойиш этиш кўникмаларига эга бўлган бўлсалар, 92% онлайн, синхрон режимда маърузалар, семинарлар, амалий машғулотлар, консультациялар ўтказиш малакаларига эга бўлдилар. 98% ўқитувчи ва талабалар барча режалаштирилган трансляцияларни олиб бориш ва қатнашиш (10%) малакаларига эга бўлдилар.

Талабалар томонидан билим, кўникма, малакаларни эгаллаш (Навоий давлат педагогика институтининг “Бошланғич таълим” йўналишининг 1-курс талабалари орасидан тажрибага жалб қилинган 193 нафар бакалаврдан 99% онлайн курсни ўрганиш мақсадлари ва вазифалари, келгуси ўқув тадбирлари технологиялари тўғрисида маълумот олиш кўникмаларига эга бўлдилар. 89,9% талабалар синхрон онлайн режимдаги консультациялар тўғрисида маълумот берувчи эшиттиришларни тайёрлаш кўникмаларини эгалладилар. Талабалардан 78,6% асинхрон машғулотларни ташкил қилиш кўникмаларига эга бўлдилар. Ушбу машғулотларда 100% ўқитувчи ва талабалар олдинги трансляциялардан олинган скринингларни кўриб чиқиш қобилиятини намойиш этдилар.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг, “Таржима назарияси ва амалиёти” факултети “Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти” таълим йўналишининг 196 нафар 1-босқич талабалари профессионал жиҳозлардан фойдаланиш (84%): овозли ва видеокарталардан фойдаланиш (79%), микрофонлар, камералар, аудио ва видео алмаштиргичлардан фойдаланиш (100%) намоиш этдилар. Шунингдек, стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда инглиз тили машғулотида тақдим қилинаётган топшириқлар қуйидаги тарзда ташкил этилиши (99%), компетенцияларни ривожлантириш учун кўмаклашиш (98%), уларнинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилишига имконият яратиш (88%); талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш, зарур бўлган шахсий сифатларни шакллантириш (74%); ҳар бир талабанинг тил нормаларини ўзлаштиришлари (99%), руҳий ҳамда ҳиссий жиҳатдан ривожланишини таъминлаш (75%)га эришилди.

Тажрибавий машғулотларда талабаларда инглиз тилини ўзлаштиришга, уларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган стриминг технологияларига таяниш асосида ўқув мазмунининг самарадорлигини таъминлаш юқори кўрсаткичларни кўрсатди.

Машғулотларда ушбу технологиялар асосида интеллектуал характердаги тақдим қилинган топшириқлардаги қарама-қаршиликларни ҳосил қилишга ҳам эътибор қаратилди. Бу талабалар томонидан инглиз тилини чуқур ўзлаштиришга имкон яратди.

Тажрибавий машғулотларда стриминг технологиялари талабаларнинг ҳаракатларида таҳлилийликни кучайтириб, гуруҳ фаолиятида кутилган самарадорликка эришишни таъминлади, тил ўзлаштириш жараёнидаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этишга замин ҳозирлади. Бунда

эътибор талабаларнинг ўз-ўзлари билан ҳамкорликка киришишларини таъминлашга ҳам қаратилди.

Шундай қилиб, стриминг технологиялари воситасида талабаларнинг инглиз тилида тақдим қилинаётган материалнинг мазмуни, унинг ҳажми, характери, у ёки бу гуруҳ талабаларининг инглиз тилини ўзлаштирганлик даражасига, умумий тайёргарлигига, савияси ва имкониятларига лойиқ бўлиши таъминланди.

2.2-§.Талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда Стрим технологияларининг ўзига хос хусусиятлари

Стриминг технологиялари асосида бўлажак кадрларнинг келгусидаги касбий фаолиятга тайёрлик ва мувофиқлик даражаси, уларнинг инглиз тилидаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллаганлиги, кундалик таълим тизимида яратувчилик хусусиятлари билан, таълимдаги сифат ва самарадорлик билан белгиланади.

Педагогика, психология, инглиз тилини ўқитиш методикасига доир адабиётлар, илмий тадқиқот ишларининг таҳлили олий таълимда таҳсил олаётган талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш ва жадаллаштириш заруратини кўрсатди.

Талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда стрим технологияларининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1) онлайн курсларни қўллаш орқали таълим сифатини ошириш ва таълим дастурларининг мазмунини янгилаш

2) Таълим жараёнига етакчи ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб қилиш;

3) ОТМ томонидан тақдим этилган таълим имкониятларини кенгайтириш;;

4) Талабанинг хоҳишига кўра ўқув модуллари сонининг кўпайиши;

5) Ўқув юкмасини камайтириш,

6) ўқув жараёнини режалаштиришнинг мослашувчанлигини ошириш ва талабаларни рағбатлантириш

Ўзини ўзи ўрганишга имкон яратиш;

7) таълимнинг талаб қилинадиган кадрлар бўйича юкмасини оптималлаштириш, етишмаётган ресурсларни яратиш ёки тўлдириш;

Стриминг технологиялари асосида ўқитувчининг фаолияти энг мураккаб тушунчаларнинг мазмунини тушунтириш, муаммоли вазиятларни тизимли равишда яратиш, талабаларга далилларни етказиш ва уларнинг ўқув-билув фаолиятини шу тарзда ташкил этишдан иборатки, улар тақдим қилинган инглиз тилидаги далилларни таҳлил қилиш асосида мустақил равишда хулосалар ва умумлашмаларга эга бўладилар. Натижада, талабаларда 1) ақлий операциялар ва ҳаракатлар кўникмалари; 2) билимларни АКТ воситасида узатиш қобилиятлари ва бошқалар ривожлантирилади.

Стриминг технологиялари асосида билим ўзлаштиришнинг когнитив босқичлари маълум кетма-кетликда амалга оширилади:

1) АКТ асосида ташкил этилган вазиятнинг пайдо бўлиши;

2) стриминг технологиялари моҳиятини билиш орқали тил ўзлаштириш ва уни амалиётда қуллаш;

3) стриминг технологиялари асосида тахмин қилиш, фараз қилиш ва асослаш орқали ўқув мавзуларини ўзлаштириш;

4) фаразни тасдиқлаш; муаммони ҳал қилишнинг тўғрилигини текшириш.

Стриминг технологиялари асосида амалий метод - мавжуд билимларни такомиллаштириш мақсадида уларни қайта ишлаш бўйича амалий ҳаракатлар, кўникмалардан фойдаланиш, техник моделлаштириш

ва дизайн билан боғлиқ тадбирларни ўз ичига олишни билдирадиган фаолият билан бирга, қисман-қидирув методларидан фойдаланишга имконият яратилади. Бунда бу таҳсил олувчи томонидан интернет ахборотларини ўқув жараёнининг барча босқичларини мустақил равишда эгаллашни талаб қиладиган ишларни бажариш ва қидирув фаолиятини олиб боришга ундовчи йўлдан самарали фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Инглиз тили машғулотида стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш учун қуйидаги ўқитиш жараёнининг босқичлари белгиланади:

Кўникма – эгалланган билимларнинг аниқ хатти-ҳаракатдаги ифодаси, ўзлаштирилган билимларни амалиётга қўллаш усулларини эгаллаш. Демак, инглиз тили машғулотида муайян кўникмага эга бўлиш учун талаба инглиз тилидаги ёзма ва оғзаки тил нормаларини эгаллаганлиги ва уни амалда қўллай олиши тушунилади.

Малака – автоматлашган, бирор бир усул билан беҳато бажариш, кўникманинг такомиллашган даражаси.

Компетенция – инглиз тилида эгалланган билим, кўникма ва малакаларни кундалик ва касбий фаолиятда қўллай олиш лаёқати.

Ташкил этиш – қўйилган мақсадни самарали амалга ошириш учун унга зарурий шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартибланган дидактик жараён.

Шакл – ўқув жараёнининг ташқи ифодаси, унинг ички моҳияти, мантиғи, мазмуни учун қобиқ.

Метод – ўқитишнинг мақсад ва вазифаларига эришиш (амалга ошириш) йўли. Инглиз тили машғулотида муаммоли таълим асосида талабаларнинг ўқув-билув фаоллигини оширувчи методларга: Брейнштурминг, Свот таҳлил, Чалкаш занжирлар асосида ёндашилди.

Восита – ўқув жараёнининг предметли қўллаб-қувватланиши, янги материални ўзлаштириш жараёнида ўқитувчи ва талабалар томонидан фойдаланиладиган объект.

Натижа– ўқув жараёнининг сўнгги маҳсули, белгиланган мақсадларнинг амалга ошганлик даражаси.

Стриминг технологиялари асосида асосида талабаларда инглиз тилидаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллашнинг визуал (V), аудиал (A) ва кинестетик (K), шунингдек, мантиқий ёки, “дискрет” (D) деб номланувчи канал турларидан фойдаланиш зарур.

Талабалар таълим жараёнида табиий равишда фойдаланадиган жами тўртта - визуал (V), аудиал (A), кинестетик (K) ва дискрет (D) сенсор каналлари (VAKD) репрезентатив тизим дейилади. Бироқ, кўп ҳолларда бу тизимни ташкил этувчи сенсор каналларнинг барчаси инсон фаолиятида иштирок этсада, улардан биттаси афзалроқ –яқин саналиши мумкин. Айнан шунинг учун ҳам таҳсил олувчиларнинг барчасини, шартли равишда, *визуаллар, аудиаллар, кинестетиклар* ва *дискретларга* бўлиш мумкин. Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда айнан мана шу хусусиятлар инобатга олиниши лозим.

Бизни ўраб турган олам кўз олдимизда турли образлар (V), товушлар (A) ва сезгилар (K) сифатида намоён бўлади. Оламни билиш жараёнида биз уни кўрамиз (V), эшитамиз (A) ва ҳис қиламиз (K). Билиш жараёнида ўқишимиз, турли схема ва формулаларни ўрганишимиз ҳам мумкин (D).Маълумотлар миямизда акс этиб, турли образлар (V), товушлар (A), ҳислар (K) ва терминлар, схемалар (D) кўринишида гавдаланади. Бироқ, талабалардаги репрезентатив тизимларининг имкониятлари турлича бўлганлиги боис, уларнинг оламни “кўряпман – эшитяпман – ҳис қиляпман – ўқияпман, ўрганияпман” орқали билиш қобилиятлари ҳам бир-

биридан фарқ қилади. Идрокнинг бу тўртта (V, A, K, D) каналлари орасида ҳар бир талаба учун бошқа каналларга нисбатан яхшироқ кўрадигани, яхши ўзлаштиргани ва амалиётда кўпроқ қўллайдигани мавжуд. Идрокнинг айнан шу канали “*афзал кўриладиган репрезентатив тизим*” деб юритилади.

Визуаллар, аудиаллар, кинестетиклар ва дискретлар ўртасидаги фарқлар уларнинг инглиз тилидаги ўқув материални ўзлаштиришларида ҳам намоён бўлади. Визуаллар гуруҳига мансуб бўлган талабалар учун намоёиш моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу сабабли биз тадқиқотимизда стриминг технологиялари асосида талабаларда инглиз тилидаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллашнинг ўзига хос хусусиятларини ўргандик (2.2-жадвал).

2.2-жадвал. Стриминг технологиялари асосидаталабаларда ўқув- билув фаоллигини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув материали турлари

Инглиз тилидан ўқув материални визуаллаштириш	Ўқув материали тури
Визуал конструкцияланган ўқув материали	Визуал эсланадиган ўқув материали
Аудиал конструкцияланган ўқув материали	Хотирага боғлиқ бўлган ўқув материали (инглиз тилидаги янги сўзлар, қоидаларни ёдлаш)
Кинестетик конструкцияланган ўқув материали	Аудиал, ички (дискрет) диалог

Жадвалда стриминг технологиялари асосида талабаларда инглиз тилидаги билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш учун тақдим қилинадиган ўқув материали турлари тавсифланган. Фойдаланиладиган ўқув материали талабаларнинг ўқув-билув фаоллигини ривожлантиришга ва дидактиктаъсир қилишга кенг имконият яратади.

Шундай қилиб, талабаларда лингвомаданий билим, кўникма ва малакаларини доимий янгилаб бориш, таълим беришда мотивация, реализация ва рефлексия малакаларини тўлиқ эгаллаган бўлишлари талаб этилади. Инглиз тили машғулотларини стриминг технологиялари асосида ташкил қилиш мазмуни ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги фаоллик босқичлари ўзига хос хусусиятларга эга.

Тадқиқотларимиз мобайнида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини стриминг технологиялари асосида ривожлантириш моделини такомиллаштириш зарурати мавжудлиги аён бўлди. Шу жиҳатдан олганда, биз стриминг технологиялари асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш парадигмасидаги таълимнинг таянч ва фанга оид компетенцияларини эгаллаш жараёнларини таҳлил қилдик ва унинг функционал босқичларини таҳсил олувчиларда мақбул компетенцияларни ривожлантириш нуқтаи назаридан баҳоладик. Муаммоли ўқитиш парадигмаси қуйидаги мезонларга таянади:

–таълимнинг ижтимоийлашуви – мутахассисларни тайёрлаш жараёнига нисбатан технократик ёндашувдан воз кечиш, ўзлаштириладиган билимлар мажмуасининг педагогик ҳамда психологик хусусият касб этишини таъминлаш, таҳсил олувчиларда умуминсоний, умуммаданий қадриятлар мазмунида илгари сурилган ғояларга асосланган ижтимоий тафаккурни шакллантириш;

–миллий ҳамда жаҳон маданияти асослари ва уларнинг моҳиятидан хабардор бўлиш;

–таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишда миллий истиқлол ғояларига асосланиш;

–шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда мустақил таълим олишга бўлган лаёқатига таяниш ва уни такомиллаштириш;

–шахснинг касбий жиҳатдан шаклланишида ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришларига эришиш;

–таълим жараёнида ўқув дастурларининг таҳсил олувчилар қобилияти ҳамда қизиқишларига кўра танлаб олиниши борасидаги имкониятнинг мавжудлиги;

–педагогик таълимнинг фундаментал хусусият касб этиши, яъни, таҳсил олувчилар томонидан ўзгарувчан шароитларда шахс ижодий ривожини асосини таъминловчи инвариант билимларнинг ўзлаштирилишига эришиш;

–меҳнат бозори ҳамда ижтимоий жараёнларда юзага келувчи ҳамда доимий равишда ўзгариб турувчи эҳтиёжларга тўлақонли жавоб бера оладиган таълимни шакллантириш шу асосда касбий мослашувчан мутахассисларни тарбиялаш;

–таълимнинг узлуксизлиги, таълимнинг ҳар бир жараён босқичининг натижаланишини таъминловчи касбий таълим (кадрлар малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш) дастурларининг тизимининг яратиш ва ривожлантириш, муайян дастурни таълимнинг у ёки бу босқичида ўқитилиши ёки ўқишни бошқа типдаги ўқув муассасида давом эттира олиш имкониятини бера олиши;

–таълимнинг эквивалентлиги, яъни унинг давлат таълим стандарти, миллий маданияти ва менталитет, шунингдек, халқаро меъёрларга мувофиқ даражаси.

Стриминг технологиялари асосида талабаларнинг инглиз тилини ўзлаштиришнинг таянч ва фанга оид компетенцияларни эгаллаш жараёнининг алгоритмлаштирилган босқичлари ўрганилди. Бунинг учун талабаларга 2018-2019 ўқув йилларида анкета саволлари билан мурожаат этилди. Берилган саволлар талабаларнинг инглиз тили машғулотида стриминг технологиялари асосида ўқув-билув фаоллигини ривожлантириш шарт-шароитларини ўрганиш учун мўлжалланди. “Инглиз тили машғулотида стриминг технологияларидан фойдаланиш аҳамиятлими?” деган саволга деярли 97% респондентлар “Ҳа”, деб жавоб беришди. Талабалар инглиз тили машғулотида тақдим қилинадиган материал аниқ таркибга эга бўлиши, мантиқ асосида таркибий қисмларга бўлиниб кетма-кет ва босқичма-босқич баён қилиниши муҳим эканлигини, акс ҳолда маълумотларни қабул қилишга қийналишларини таъкидлаб ўтишган. “Интернет орқали қабул қилинган маълумотларни тўлиқ ўзлаштиришда стриминг технологияларининг роли қандай?” саволига респондентларнинг 96% “ижобий”, деб жавоб беришган. Талабалар фикрича, инглиз тили машғулотида доимий амалга оширилиб бориладиган стриминг технологиялари ахборотларни намоёни қилиш, қайтадан ўзлаштириш, зарур бўлса, ёзиб олиш ва ўрганилган матнни такрорлаш, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўтказилган анкета саволларига олинган жавоблардан талабаларнинг стриминг технологиялари асосида идрок этиш имкониятлари даражаси таълим жараёни сифати, унинг замонавий билимлар ва инновацион шакл ҳамда мазмун билан таъминланганлиги, унинг моҳиятини мунтазам тарзда такомиллаштириш зарур эканлиги англанади. Таҳсил олувчиларда стриминг технологиялари асосида

инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириш (88%), мазкур ўқув фанини ташкил этувчи бўлимлар юзасидан билимлари, малака ва кўникмалари даражасини аниқлаш (92%), анкета сўровномалари, тест назоратлари, ёзма ишлар ўтказиш (100%) ҳамда уларнинг натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда инглиз тилини ўқитишда таълим мазмунини бойитиш мумкинлиги (100%) кўрсатилган.

Тадқиқот доирасида стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришни аниқлашга мўлжалланган мезонлар ишлаб чиқилди (2.3-жадвал).

2.3-жадвал.

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришни аниқлашга мўлжалланган мезонлар

	МЕЗОНЛАР	НАТИЖАВИЙЛИГИ
1.	Визуал конструкцияланган ўқув материални идрок этиш; асосий ва моҳиятан бирламчи фикрларни аниқлай олиш; АКТ асосида интернетдан узатилаётган маълумотларни ёзиб олиш, саралаш, таҳлил қилиш, интерпретациялаш, моделлаштириш.	Истиқбол режасининг бажарилиши кафолатланади, таълим сифати ошади
2.	Инглиз тилида тақдим этилган матнни анализ, синтез, аналогия, башорат қилиш кўникмаларининг ривожланганлиги	Малака тоифасининг ўсиши
3.	Коммуникатив, лингвистик компетенцияларнинг ривожланганлиги	Инглиз тилида мукамал сўзлашишнинг ривожланиши
4.	Ўқув фанига оид мотивациянинг	Инглиз тили ўқув курсини

	ривожланганлиги	ўзлаштириш самарадорлиги
5.	Дидактик компетенцияларнинг ривожланганлиги	Келгуси касбий фаолиятини ташкил қила олиши
6.	Тил лексикасининг бойлиги	Инглиз тилида эркин мулоқот ўрната олиши
7.	Эгалланган билимлардан келгуси фаолиятида фойдаланиш малакалари	Малака тоифасининг ўсиши
8.	Лексик ва грамматик компетенцияларга эга бўлиш	Инглиз тилида эркин мулоқот ўрната олиши
9.	Лексик ва грамматик компетенцияларга эга бўлиш Инглиз адабий тил нормаларига риоя қилиш даражаси	Малака тоифасининг ўсиши

2.1-жадвалда ифодаланганидек, стриминг технологиялари асосида визуал, аудиал ва кинестетик конструкцияланган ўқув материалиинглиз тили машғулотларида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришга мўлжалланади. Бундан ташқари, бўлажак инглиз тили ўқитувчилари учун касбий фаолият мезонлари ишлаб чиқилди.


а) Инглиз тили бўйича педагогик малака тоифасининг ўсиши;

б) ўқув жараёнига ахборот-коммуникацион ва инновацион технологияларни жорий эта олиш малакалари;

в) маҳорат дарслари ва семинар-тренингларни ўтказа олиш малакалари;

г) педагогик фаолиятда турли вебинар, семинар-тренингларда иштироки. Юқоридагиларни инобатга олиб, стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга мўлжалланган мезонлар ёрдамида жараённи тўлиқ акс эттирувчи модель ишлаб чиқилди

(2.6-расм).



2.7-расм. Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш модели

2.6-расмда тасвирланган модель-стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга мўлжалланган бўлиб, 2017-2020 ўқув йилларида амалиётга татбиқ этилди ва унинг самарадорлик даражаси таҳлил этилди.

Шундай қилиб, стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш модели самарали эканлиги тажрибавий дарсларда ўз тасдиғини топди, яъни, янги кадрларни етиштиришга йўналтирилган илмий, технологик, ташкилий тадбирлар йиғиндисини ташкил қилиб, мамлакат иқтисодиёти учун баркамол, замонавий билимларни тўлиқ эгаллаган, маънавиятли, компетентли, ҳаракатчан, ижодий ёндашувли, креатив кадрларни етиштириб беришдек вазифалар ижросини таъминлашга мўлжалланганлиги билан намоён бўлди.

ИККИНЧИ БОБ БЎЙИЧА ХУЛОСА

1. Тадқиқотларимиз мобайнида стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш моделини такомиллаштириш зарурати мавжудлиги аён бўлди. Шу жиҳатдан олганда, биз стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш парадигмасидаги таълимнинг таянч, асосий, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнлари таҳлил қилинди ва тадқиқот даврида стриминг технологиялари асосида инглиз тилини ўқитиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида модель ишлаб чиқилди. Модель 2018-2021 йилларда инглиз тилини ўқитиш жараёнида апробациядан ўтказилди ва ўзининг самарадорлик даражасини кўрсатди.

2. Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш босқичлари қуйидагилардан иборат бўлиши тадқиқот мобайнида аниқланди:

Инглиз тилидан талабалар томонидан ўзлаштирилаётган билимлар мажмуасининг педагогик ҳамда психологик хусусият касб этиши;

Интернет кўламининг кенгайиши даврида миллий ҳамда жаҳон маданияти асослари ва уларнинг моҳиятидан хабардор бўлиш;

Рақамли технологиялар шароитида таълим ва тарбия жараёнини ташкил этишнинг учинчи Реннесанс ва миллий ғояларига асосланиш;

шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда мустақил таълим олишга бўлган лаёқатига таяниш ва уни такомиллаштириш;

талабаларда коммуникатив, лингвистик, прагматик, дидактик, лингвомаданий, логистик, стрим технологиялари билан ишлаш компетенцияларини ривожлантириш асосида келгусидаги касбий фаолиятини шакллантиришга эришиш;

таълим жараёнида ўқув дастурларининг таҳсил олувчилар қобилияти ҳамда қизиқишларига кўра танлаб олиниши борасидаги имкониятнинг мавжудлиги;

рақамли технологиялар шароитида меҳнат бозори ҳамда ижтимоий жараёнларда юзага келувчи ҳамда доимий равишда ўзгариб турувчи эҳтиёжларга тўлақонли жавоб бера оладиган таълимни шакллантириш шу асосда касбий мослашувчан мутахассисларни тарбиялаш;

4.Тадқиқот доирасида инглиз тили машғулотида стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга мўлжалланган модельнинг ишлаб чиқилганлиги педагогик таълимнинг фундаментал хусусият касб этиши, яъни, таҳсил олувчилар томонидан ўзгарувчан шароитларда шахс ижодий ривожини асосини таъминловчи инвариант билимларнинг ўзлаштирилишига эришиш ва уларнинг фаоллигини ошириш мумкинлигини исботлади.

5.Тадқиқотлар натижасида стриминг технологияларининг ривожлантирувчи вазифаси талаба нутқининг, фикрлаши, шахснинг сенсорли ва ҳаракатланиш соҳалари, эмоционал-иродавий, интеллектуал соҳаларини ривожлантиришда ўз аксини топиши аён бўлди. Шунингдек, стриминг технологиялари инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабаларда ақлий фаолият усуллари: анализ қилиш, таққослаш, таснифлаш, кузатиш, хулоса чиқариш каби фаолият мақсади ва усуллари натижаларини текшириш малакасини ривожлантириш имкониятини кенгайтириши тадқиқотлар ва изланишларимиз натижасида аниқланди.

Тадқиқотлар мобайнида стриминг технологиялари асосида талабаларда инглиз тилидан фан компетенцияларини эгаллашнинг визуал (V), аудиал (A) ва кинестетик (K), мантиқий ёки, “дискрет” (D) деб номланувчи канал турларидан фойдаланилиши кузатилди.

**III БОБ. СТРИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА
ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ,
НАТИЖАЛАРИ, САМАРАДОРЛИГИ**

3.1-§. Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов методикаси

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари ва унинг натижасини баҳолаш методикаси бир қатор расмий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида аниқланди.

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишлари 2017-2018, 2018-2019, 2019-2020 ўқув йилларида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Навоий давлат педагогика институти ҳамда Гулистон давлат университетларининг “Инглиз тили ва адабиёти”, “Бошланғич таълим”, таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитиш жараёнида олиб борилди. Тажриба-синов ишларига -583 нафар талаба ва 74 нафар профессор-ўқитувчилар жалб қилинган бўлиб, улар жами 657нафар респондентни ташкил қилди (3.1-жадвал).

№	Тажриба майдонлари	Талабалар сони	Профессор ўқитувчилар сони	Талабалар Профессор-ўқитувчилар (фоизда)
1	Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети	196	28	114% - 21%
2	Навоий давлат	193	23	112% -17%

	педагогика институти			
3	Гулистон давлат университети	194	23	113%-17%
	Жами	583	74	

Стриминг технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш юзасидан тадқиқот иши инглиз тили машғулотларида назарий-тажрибавий йўналишда амалга оширилди ва қуйидаги уч босқични ўз ичига олди: *биринчи босқич* – тадқиқотда қўйилган муаммоларга оид адабиётларни ўрганиш, тадқиқотнинг мақсади, фаразларини аниқлаш, қайд қилувчи тажрибаларни ўтказиш, диссертациянинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш; *иккинчи босқич*–ОТМ базасида тажриба-синов ишларини ўтказиш; *учинчи босқич* - олинган натижаларни таҳлил қилиш, уларни бир тизимга келтириш ва диссертация шаклида расмийлаштириш.

Тадқиқот доирасида тажриба-синов ишлари юзасидан фойдаланилган методлар: назарий-мантиқий таҳлил, таққослаш, анкеталаштириш; суҳбат, тест намуналари, илғор инновацион педагогик тажрибаларни умумлаштириш, кузатиш; анкета-сўров, математик-статистик методлардан фойдаланилди.

Инглиз тили машғулотлари жараёнида стрим технологияларидан фойдаланиш усуллари кўриб чиқилиб, яъни ўқитувчи томонидан ўқув видеосини танлаш, уни бутун гуруҳ талабалари билан биргаликда, ёки, бир нечта экранларда томоша қилиш; видео материалларни дарслар олдидан муҳокама қилиш ва аудитория топшириқларини бажаришга тайёргарлик сифатида фойдаланишга ўргандилар. Ўқув материални такрорлаш учун ўқув машғулотидан кейин видеодан фойдаланиш, ёки, бирон сабабга кўра машғулотни қолдирган талабалар учун видеодан мустақил ўқув материали сифатида фойдаланиш имкониятлари ўрганилди.

Видеодан бепул мустақил иш учун фойдаланиш имконияти кенгайганлиги боис, олий таълим соҳасида стрим технологияларидан фойдаланишнинг ўз сценарийлари таклиф қилинди. Масалан: ўқитувчи компьютернинг экранидан маълум бир муаммонинг ечимини ёзди, талабалар эса, видеони томоша қилишиб, керакли кетма-кетликни ўз компьютерларида бажаришга ҳаракат қилдилар. Бунда талабалар ҳар қандай веб-хизмат билан ишлаш видеоси, веб-хизматни мустақил равишда ўрганиш учун таълим иштирокчисининг тажрибасидан фойдаланишга имконият яратилди. Талабаларга жамоавий равишда: веб-сайт яратиш, унда бир нечта муаммоларни ҳал қилиш; дизайнни ишлаб чиқиш; серверни ўрнатиш; веб-дастурлаш ва ундан кейин диск раскодировкасини қилиш каби топшириқлар берилди.

Тажриба-синов ишларининг дастлабки босқичида мавзунинг илмий асоси ҳисобланган: стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга оид Интернет маълумотлари, меъёрий-ҳуқуқий асослар; инглиз тилини ўқитиш жараёнига татбиқ қилишга оид психологик, педагогик, методик манбалар ўрганилди, таҳлил қилинди, амалиётдаги мавжуд ҳолат аниқланди. Ўқув жараёнида қўлланиладиган ахборот технологиялари, авваламбор стримларни тайёрлаш технологиясини кўриб чиқишга ундади. Шунингдек, инглиз тилини ўқитиш бўйича ДТСлари, тажриба-синов учун танланган модулларнинг намунавий ва ишчи ўқув дастурлари, ўқув-методик мажмуалар ўрганилди, таҳлил этилди. Ушбу босқичда илмий манбалар ҳамда амалиётдаги аҳволни ўрганиш асосида тажриба-синов ишлари дастури мазмуни аниқланди, талабалар учун сўровномалар ишлаб чиқилди, тадқиқот мавзуси доирасида янги модуллар яратилди, олинган дастлабки натижалар умумлаштирилди, таҳлил қилинди, навбатдаги

босқич тажриба-синов ишлари учун илмий-методик материаллар тайёрланди.

Биз Германияда ўқитувчилар стрим технологияси билан ишлашда топшириқ берилган иш варақаларини маълумотнома сифатида фойдаланишни тавсия этишларини инобатга олиб, ушбу тажрибадан амалиётга фойдаланиб кўрдик. Ушбу илғор тажриба биз танлаган тажриба майдончаларига, яъни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, НавДПИ ва ГулДУ да апробациядан ўтказилди. Тажриба гуруҳлари бир хил таълим мақсадига эга бўлишига қарамасдан, топшириқбажарилиши лозим бўлган иш варақалари алоҳида-алоҳида равишда тармоқдан талабаларга узатилди. Ушбу иш варақаларида талабалар топшириқни бажаришлари учун қайси видеофилмларни кўриш алоҳида белгиланди. Иш варақлари талабаларни видеонинг маълум қисмларига эътибор қаратишлари учун тарқатилди. Мазкур иш бир неча вариантларда ўтказилди: 1) видеодан бепул мустақил иш учун фойдаланиш учун; 2) кўриб чиқиладиган жараён тарихини ўрганиш учун; 3) видео ёзувлар ёки ривожланиш истиқболларига йўналтирилган топшириқни бажариш учун; 4) ўқитувчи бир қатор мавзуларни таклиф қилганидан сўнг ҳар бир гуруҳ ўз қизиқишлари ва истакларига қараб, мавзунини танлаши. Стрим технологияси асосида ташкил қилинган ушбу машғулот талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга услубий кўмак сифатида самарали натижа берди.

Талабаларда инглиз тилидан фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга мўлжалланган стрим технологияларидан фойдаланишнинг қуйидаги сценарийлари ишлаб чиқилди: 1) ўқитувчи маълум бир муаммонинг ечимини компьютерининг экранидан ёзиб олди (масалан, фойдаланилган инглиз тилидаги матнни кейинчалик оптималлаштириш учун график тасвирлашга ундаш); 2) талабаларга видео

намойишини кўрсатгандан сўнг шахсий компьютерларида керакли созиламаларни ўрнатадилар, ҳаракатлар кетма-кетлигини ёдга олишади; 3) талабалар ҳар қандай веб-хизмат билан ишлаган видеони ёзадилар (тайёрлаш ва ёзиш пайтида, ҳаракатлар кетма-кетлигини эслаб), шундан сўнг улар веб-хизматни мустақил ўрганиш учун курсдошининг тажрибасидан фойдаланиши мумкин. Тажриба иштирокчилари ҳар бири ўзи бажарган ишларни ёзиб олди ва муаммони ҳал қилиб, яхлит лойиҳадаги ўрнини мукамал тушунишди ва келажакдаги веб-сайтнинг турли элементларининг ўзаро таъсирини мувофиқлаштира олиш кўникмаларига эга бўлдилар. Юқоридагилардан ташқари, талабаларда инглиз тили бўйича фанга оид ва ахборот билан ишлаш компетенцияларининг ривожланиш даражаси, техник имкониятлари, шунингдек маълум бир курсни ўзлаштиришнинг кўзланган мақсадлари ҳисобга олинди.

Тажриба-тадқиқот даврида стрим технологиясидан фойдаланиш истиқболларини инобатга олиб, уни ўқув жараёнида қўллаш нуқтаи назаридан ва янги ахборот технологиялари сифатида фойдаланиш замирида қуйидаги таркибий элементлар контекстида кўриб чиқиш муҳим, деб ҳисоблаймиз:

Стрим технологияси - медиа, геоахборот технология, масофавий таълим технологияси, видеоконференцалоқа технологияси, кейс технологияси, нутқни аниқлаш технологияси сифатида қаралиши мумкин.

Стрим технологияларини амалга оширадиган дастурий таъминот: мултимедиа дастурий маҳсулотлар, компьютерни синаш дастурлари ва бошқалар бўлиши мумкин.


Тажриба-тадқиқот натижасида стрим технологияларини амалда қўллашга имкон берадиган техник воситалар: компьютерлар, проекторлар, интерактив доскалар, LD ва LCD телевизорлар, кликерлардан

фойдаланилди, чунки улар муайян тузилишга эга бўлиб, улар нафақат мустақил билим олиш, балки бошқалар билан биргаликда ҳам улардан фойдаланишга имкон яратади.

Бошқа технологиялар билан интеграциялашуви натижасида стрим технологиялари ўқув жараёнини янада динамик ва интерактив ҳолатга келтиради. Масофавий ўқитиш билан стрим технологияси талабаларга ўқитувчилардан маълум топшириқларни бажариш, маърузалар видеофилмларини томоша қилиш, веб-семинарда қатнашиш, шунингдек уй вазифаси бажарилган ҳолда скриншот юбориш бўйича видео кўрсатмалар олишларига имкон беради.

Ушбу имкониятларнинг бир қисми ихтисослаштирилган таълим платформалари томонидан қўлланилади (масалан, «HTML Academy», «Uniweb», Нетология», «Универсариум»). Ушбу таълим платформалари ёрдамида шахсий таълим тажрибаси қуйидаги хулосани чиқаришга имкон беради: мураккаб ўқув материални ўрганиш нафақат ҳис-ҳаяжонли, балки самарали бўлиб, янги билимларни эгаллаш жараёни жадал ва тез суръатларда амалга оширилади.

Тажрибавий машғулотларда стрим технологиялари асосида талабаларнинг инглиз тилидан фанга оид компетенцияларини ривожлантириш учун биз 2020 йилнинг март, апрель, май ойларида жамоавий видеоконференцияларни ташкил қилдик. Ушбу видеоконференция мамлакатимизнинг турли вилоятларида истиқомат қилувчи талабаларнинг ўзаро алоқага чиқишида ва жамоавий равишда ўқув топшириқларини бажаришга асос солди (3.1-расм).



3.1-расм. Стрим технологиялари асосида талабаларнинг инглиз тилидан фанга оид компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган видеоконференция скриншотлари

Тажрибада фойдаланилган видео остидаги шарҳлардан кўриндики, улар бошқа таълим иштирокчиларига жуда яхши ёрдам беришади. Маълум бўлишича, бундай тадбирлар стрим технологияларидан фойдаланган ҳолда янги таркиб яратишда иштирок этаётган ҳар икки томон учун ҳам ўзаро манфаатли. Бизнингча, стрим асосида ўқитиш технологиясидан фойдаланиш нафақат масофадан ўқитиш учун, балки

«офлайн» таълим моделини амалга ошириш учун ҳам истиқболли ҳисобланади.

Тажриба-синов даврида стрим технологияларидан ўқув жараёнида фойдаланишнинг қуйидаги усуллари кўриб чиқилди: а) ўқитувчи битта видеони танлади, уни бутун гуруҳ талабалари бир ёки бир нечта экранларда биргаликда томоша қилдилар. Видеода аниқ маълумотлар берилган, сўнгра талабалар фильм мавзусини муҳокама қилишлари ва видео ҳақидаги саволларга жавоб беришлари лозим бўлди. Шунингдек, видеода талабалар амалий машғулотларда бажарадиган маълум бир тажриба ёки тажриба бўйича кўрсатмалар берилди. Тажрибали ва ижодкор ўқитувчилар турли хил тадбирлардан фойдаландилар (масалан, умумий муҳокамалар, гуруҳ иши ва бошқалар);

б) видеодан дарслардан олдин муҳокамага тайёргарлик ва аудиториядаги Тажрибалар мобайнида ўқитувчи бир нечта мос видеофилмларни таклиф қилишига имконият яратилди.

Тажрибавий машғулотларда стрим технологиялари асосида талабаларнинг инглиз тилидан фанга оид компетенцияларини ривожлантириш учун жамоавий видео конференциялар бир вақтнинг ўзида бир нечта таълим иштирокчилари билан суҳбатлашиш имконини берди. Бунда Интернет алоқаси, махсус дастур («Skype», «Team Talk», «Conferendo», «TrueConf» ва бошқалар) ва алоқа воситалари - камера ва микрофон лозим бўлди. Масалан, «Skype»дан нафақат мулоқот қилиш учун, балки ишбилармонлик топшириқларни бажариш учун фойдаланилди. Шунингдек, видеоконференцалоқа давомида талабалар файллар – ҳужжатлар билан ишлаш имконига эга бўлдилар; курсдошлар орасида расмлар, видеофайллар билан алмашиш ҳолатлари кузатилди. Шунингдек, тажриба олиб бораётган ўқитувчи тақдимотлардан фойдаланган ҳолда маърузалар ташкил қилди. Тажриба мобайнида

жамоавий видеоалоқа асосида ташкил қилинган машғулотларнинг самарасини аниқлаш учун биз тадқиқотларда қатнашган талабаларга анкета саволлари билан мурожаат этдик. Жами тадқиқотда қатнашган 657 респондетлардан (583 нафар талаба ва 74 нафар профессор-ўқитувчи) мазкур технологияларнинг қуйидаги афзалликларга эгаллигини кўрсатишди: масофадан таълим беришга кенг имконият яратилганлиги (100%), ногиронлиги бўлган талабаларга қулайлиги (99%), билим олиш имкониятининг кенглиги (67%); файлларни бир неча сония ичида юбориш имконияти (73%); турли тарихий музейлар ва обидаларга (масалан, Буюк Британия музейлари, Ўзбекистон тарихий музейи ва бошқа тарихий жойлар) саёҳат қилишда маблағни тежаш ва шунга мувофиқ меҳнат унумдорлигини ошириш (77%); қулай ва хавфсиз алоқа (100%); билимларни ўзлаштириш жараёнини бошқариш (97%); видео конференция давомида ота-оналар ёки таълим муассасаси маъмурияти сессияга уланиши, талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш (99%); маърузаларга турли билим соҳалари бўйича юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш (100%);; видеоконференция ёзувларини кейинчалик кўриш ва ўқитувчи томонидан таҳлил қилиш учун сақлаш (100%) ва бошқалар.

Тажрибавий машғулотларда видеоконференцияларни ташкил қилиш учун қуйидагилар зарур бўлди: юқори тезликдаги алоқа; ускуналарни ишончли ва барқарор электр энергияси билан таъминлаш; мақбул шовқинни ютувчи бинолар; енгил фонни тўғри танлаш; ваколатли кадрлар мавжудлиги; ускунани ўз вақтида янгилаш. Видеомулоқотнинг сифати суҳбатдошлар танлаган ускунага ва уланган Интернет тезлигига боғлиқлиги асосида қаралди.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари жараёнида стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни

ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари бўйича тадқиқот ишлари ўтказилди ва натижалар умумлаштирилди. Тадқиқот ишларининг ушбу босқичида Инглиз тили машғулотларида стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари методикаси синовдан ўтказилди.

Тажриба-синов майдонида бир қатор вазифалар амалга оширилди, улар:

белгиланган ОТМларида амалга ошириладиган тажриба-синов ишларини ўрнатилган тартибда расмийлаштирилди;

тажриба-синов ишларини ўтказиш учун ОТМнинг инглиз тили ва адабиёти фанининг етакчи мутахассисларидан масъуллар белгиланди ва уларга зарур педагогик шарт-шароитлар яратилди;

тажриба-синов ишлари юзасидан олинган илмий натижаларни амалиётга татбиқ этилганлиги ҳақидаги тасдиқланган далолатномалар тайёрланди.

Тадқиқот доирасида биз «Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш» номли муаллифлик методикасини ишлаб чиқдик. Мазкур методикани педагогик амалиётга жорий этиш бир неча босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқич- шахсий-қадриятли босқич деб номланиб, унда талабалар томонидан бажариладиган фаолият алгоритми ишлаб чиқилди. Инглиз тилидаги матнларда келтирилган муаммо модель сифатида гуруҳда ишлаб чиқилиб, унинг ечимини топиш босқичлари стриминг технологиялари асосида жамоавий ҳолатда режалаштирилади.

Иккинчи босқич — конструктив босқич бўлиб, унда муаммо яхлит жараён сифатида қаралади. Бу босқичда таҳсил олувчилар кичик гуруҳларда (4-5 нафар) ёки индивидуал тарзда фаолият олиб боришди:

муаммо юзасидан маълумот йиғишди, унинг ечимини топиш учун илмий ҳисобот, маъруза, тақдимот, график моделларни ишлаб чиқишди.

Учинчи босқич - рефлексив таҳлил босқичи. Бунда тажриба иштирокчилари ўз фаолиятларини таҳлилий баҳоладилар.

Тавсия этилаётган методика доирасида талабалар орасида аудиториядан ташқари машғулотларда қуйидаги мавзуларда муаммо ечимини топишга ҳаракат қилинди:

Мавзулар:

Инглиз тили – халқаро мулоқот воситаси сифатида- English as a means of international communication;

Буюк Британиядаги йирик шаҳар ва музейлар- Major cities and museums in the UK;

Инглиз тақвимлари. Улардаги ой ва ҳафта номлари нималарни билдиради?- English calendars. What do the names of the months and weeks in them mean?;

Инглиз ёзувчилари ижодида инсонпарварлик ғояларининг тараннум этилиши- The glorification of humanistic ideas in the works of English writers;

Буюк Британияда нуфузли университетлар- Prestigious universities in the UK;

Машҳур инсонлар ҳаёти ва бошқалар- The lives of celebrities and more.

Тажрибавий машғулотларда талабаларнинг инглиз тилидаги оғзаки нутқи адабий тил меъёрлари асосида шаклланиши ва ривожланишини таъминлаш, фанга оид компетенцияларни ўстириш, ёзма нутқда юксак саводхонлик, адабий тил меъёрларига риоя этиш, методик ранг-барангликдан фойдалана олиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш ҳамда ўқув курсининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда талабаларда таянч компетенцияларни шакллантиришга эътибор қаратилди.

2017-2020 йиллар мобайнида ўтказилган тажрибавий машғулотларда стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга мўлжалланган методика уларда келгусидаги касбий, илмий ва маиший соҳаларда фаолият юритишларида зарур бўлган компетенцияларни ривожлантиришдан иборат бўлди. Масалан, 2018-2019 ўқув йилида 193 нафар талабалар орасида НавДПИда ҳамда ГулДУда олиб борилган тажриба-тадқиқот давомида юқорида тавсия этилган методика асосида талабаларда: коммуникатив, логистик, дидактик, социолингвистик, прагматик, нуткий компетенцияларни ривожлантириш; оғзаки ва ёзма нуткда соҳавий терминларни самарали қўллаш кўникмаларини шакллантириш; ихтисосликка оид матн тузиш, уни таҳрир ва таҳлил қилиш малакаларини ҳосил қилишга муяссар бўлинди. Шунингдек, стрим технологиялари асосида фанга оид компетенциялар:инглиз тилидаги гап тузилиши ва гапдаги сўзларнинг тартиби тўғрисида; инглиз тилидаги сўзларининг услубий қўлланиши тўғрисида тасаввурга эга бўлиши;инглиз тилидаги товуш хусусиятларини, нутқ товушлари ва сўзларни тўғри талаффуз қилишни;инглиз тили синтаксиси талаблари асосида мазкур тилда тўғри гап ва боғланган матн тузиш:касбий терминологияни, оғзаки ва ёзма нутқ хусусиятларини билиш ва улардан фойдалана олиш каби малакаларни ривожлантиришга қаратилди. Шунингдек, таълим олаётган соҳаси доирасида инглиз тилида фикр ифода қилиш, илмий техник адабиётлардан фойдалана олиш кўникмалари ривожлантирилди.

Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш бўйича ўтказилган тажриба-синов ишлари мобайнида интерфаол методлардан ҳам фойдаланилди. Булар: “SWOT-таҳлил”, “FSMU”, “Кейс”, “Блиц сўров” ва бошқа.

Шундай қилиб, стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришга мўлжалланган методика истиқболли ҳисобланади, чунки таълим иштирокчилари ҳар куни тасвирлар ва видеолар оқимига дуч келишади. Энди замонавий талабаларни телевизорларсиз, интерактив видео ўйинларсиз, компьютер, планшет, уяли телефонлар видео стримларсиз тасаввур қилиш мушкул. Бундан 10 йил муқаддам ўқитувчи равон ҳикояси орқали талабалар эътиборини жалб қилган бўлса, эндиликда анъанавий педагогик техникага эга бўлган ўқитувчи узоқ вақт давомида талабаларни ўзига жалб қила олмайди. Шу сабабли, визуал маълумотларнинг ҳукмронлиги даврида яшаётганимиз учун стрим технологиясидан фойдаланиш муҳим бўлиб ҳисобланади. Тадқиқот натижалари стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш истиқболи кенглигини яна бир қарра исботлади.

3.2-§. Стрим технологияларини татбиқ этиш бўйича ўтказилган тажриба-синов натижалари ва унинг самарадорлик даражаси

Тажриба-тадқиқот давомида (2018-2021) тажриба (358 нафар) ва назорат (357нафар) гуруҳлари талабаларига тақдим этилган“Муаммоли ўқитиш асосида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантириш” технологиясида уларда ривожлантирилиши лозим бўлган грамматик компетенцияни ривожлантириш босқичига ҳам алоҳида эътибор қаратилди:

Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришда:

Актив грамматик минимум:

- от, отларда сон, келишиқ, артикл:

- сифат, сифат даражалари:
- олмош;
- феъл:
- мажхуллик нисбати;
- дарак, сўрок, инкор содда гапларнинг кўлланилиши:
- гапларда сўз тартиби;
- сўрок гаплар;
- буйруқ майлидаги инкор гаплар, кўшма тўлдирувчининг кўлланилиши:
- шарт майлининг кўлланилиши;
- and, but боғловчили кўшма гапларни кўлланилиши;
- if, that because, when, before, as soon as, till, until, after боғловчиэргашганкўшмагапларни кўлланилиши;
- боғловчиэргашганкўшмагапларнинг барчатурларини кўллаёлиш:
- иборали феълларни кўлланилиши.

Пассив грамматик минимум:

- сифатдош, равишдошли курилмаларнинг ишлатилиши;
- сифатдош, равишдошли курилмаларнинг ясаилиши.

Тажриба-синов гуруҳлари талабалари тавсия қилинаётган методика бўйича ўқитилди. Синов гуруҳларидаги талабаларнинг ўқиш жараёни эса анъанавий методика бўйича давом этди. Тадқиқот бўйича барча маълумотлар махсус қайдномаларга ёзиб борилди ва уларга статистик ишлов берилди.

Тажриба-тадқиқот давомида (2018-2020) биз томонимиздан тажриба (328 нафар) ва назорат (329 нафар) гуруҳлари респондентларига тақдим этилган “Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш” методикасида уларни келгусидаги касбга йўналтириш босқичи ҳам инобатга олинди. Масалан, “Инглиз тили

ва адабиёти” модулига жами 426 соат вақт ажратилган. Бироқ, “Педагогика ва психология” таълим йўналиши учун- 122 соат вақт ажратилган; “Инглиз тили ва адабиёти” таълим йўналиши 1 – босқич талабалари учун “Инглиз тили” модулига жами - 116 умумий ўқув соати ажратилган. Ушбу модулда тавсия этилаётган технология асосида:

Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш босқичида социолингвистик дунёқрашни кенгайтириш учун:

- стрим технологиялари асосида талабаларнинг матнни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;

-ўқиган ёки тинглаган матнни қисқача мазмунини баён этиш;

-ўрганилган мавзуда чиқиш қилиш;

-ижтимоий –сиёсий матнларни ўқиб шарҳлаб бериш.

Стрим технологиялари асосида ўқиш:

Танишув ўқиши

- стрим технологиялари асосида матнни луғатсиз, берилган савол ёки умумий мазмунини тушуниш мақсадида ўқиш;

-матн: 10 % гача нотаниш сўз бўлган илмий-оммабоп, ижтимоий-сиёсий, махсус бадиий матнлар;

-матн мазмунини чет тилида ёки она тилида сўзлаб бериш, параграфларни номлаш, тест топшириш.

Синчиклаб (ўрганиб) ўқиши

- стрим технологиялари асосида асосий ахборотни ажратиб олиш, ёзиб олиш, саралаш, мазмунини тўлиқ ва аниқ тушуниб ўқиш.

Стрим технологиялари асосида талабаларда ўқиш тезлиги, ҳажми:

-луғатдан фойдаланиб 1600 босма белгили матнни 60 дақиқада ўқиш.

-матн:махсус, илмий оммабоп 14% гача нотаниш сўзларга эга бўлиши.

Кўз югуртириб ўқиш:

- матн мазмуни хусусиятларини аниқлаш;
- зарур ахборотни матндан топиш;
- сўз (матн) маъно мазмунини контекст асосида фаҳмлаб олиш;
- матндаги бирламчи (асосий) иккинчи даражали ахборотни ажратиш;
- матн калит сўзларини ажрата олиш;
- матн қисмларига сарлавҳа қўйиш.

Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришда:

-касбга йўналтирилган босқичда шаклланган малакаларни такомиллаштириш;

- реферат, аннотация ёзиш техникасини такомиллаштириш;

- ҳужжатларни расмийлаштиришни билиш (тузилиши, услуби, ҳужжат тили) ва у асосида ҳужжатларни намунага қараб, схемага кўра, клише ва фразаларни қўллаб, ахборотни ҳисобга олиб, иш юритиш вазиятлари талабларига мос равишда расмийлаштириш;

- берилган мавзуда баён, эссе, резюме тузиш, соҳага оид адабиётлар бўйича реферат ёзиш кабиларга эътибор қаратилди.

Тадқиқот машғулотида стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш асосан қуйидаги топшириқларни бажаришга мўлжалланди:

1. Стрим орқали ёзиб олинган матнни, видеони тавсифлаш.
2. Стрим орқали ёзиб олинган матнни, видеони тушунтира олиш.
3. Стрим орқали ёзиб олинган матнни, видеони таҳлил қилиш.
4. Стрим орқали ёзиб олинган матнни, видеони қиёслаш.
5. Стрим орқали ёзиб олинган матнни, видеони умумлаштириш.
6. Стрим орқали ёзиб олинган матнни, видеони қайта намойиш қилиш.

Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларнинг ривожланганлиги ва самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари қуйидагича (3.4-жадвалга қаранг):

3.2 –жадвал.

Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларнинг ривожланганлиги

Гуруҳлар	Талабалар сони,нафар	Ўзлаштириш даражалари			
		Аъло	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз
Коммуникатив компетенцияларнинг ривожланганлиги					
Тажриба гуруҳи	296	110	102	84	
Назорат гуруҳи	297	70	137	81	9
Стрим технологиялари билан ишлаш компетенцияси					
Тажриба гуруҳи	296	110	114	72	-
Назорат гуруҳи	297	71	136	80	10
Нутқий компетенцияларнинг ривожланганлиги					
Тажриба гуруҳи	296	114	102	80	2
Назорат гуруҳи	297	70	137	82	8
Социолингвистик компетенцияларнинг ривожланганлиги					
Тажриба гуруҳи	296	115	102	78	1
Назорат гуруҳи	297	70	137	80	10
Прагматик компетенцияларнинг ривожланганлиги					
Тажриба гуруҳи	296	110	102	82	2

Назорат гуруҳи	297	70	137	85	5
Дидактик компетенцияларнинг ривожланганлиги					
Тажриба гуруҳи	296	110	102	82	2
Назорат гуруҳи	297	70	137	84	6
Жами:	583				

Тажрибада қўлланилган “Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш” методикаси самарали эканлиги тадқиқотлар мобайнида ўз тасдиғини топди. Тадқиқотнинг охирига бориб, талабаларда стриминг технологиялари асосида инглиз тилида сўзлаш, тинглаб, эшитиш каби малакалар ривожланди, тадқиқий қобилият кўртаклари шаклланди, ўз фикрларини қарама-қарши нуқтаи назарлар билан таққослай бошладилар. Бунда улар қўшимча мулоҳазалар тизимидан фойдаландилар ва булар асосида ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқдилар. Жавобларда талабалар ўз фикрларини аниқ ва ўйлаб ифода этиш имконига эга бўлдилар. Ишнинг якунида талабаларнинг ўзлари тажриба қуйишга муваффақ бўлдилар.

Ташкил этилган ишлар давомида 1-босқич талабаларининг I ва II семестрда ўзлаштирган билимларига таянган ҳолда III, IV семестрда «Инглиз тилини ўқитиш методикаси» ўқув курсида «таълим берувчи-гуруҳ-таълим олувчи» триада шаклидаги муносабатлар қарор топди.

Стрим технологиялари асосида талабаларнинг инглиз тилини мукамал ўрганиш, билимларини кенгайтириш имкониятларининг ривожланиши ва амалда оширилиши таъминланди. Талабалар томонидан бажарилган лойиҳалаш бўйича топшириқлар мезон ва кўрсатмалари

назарий- методик жиҳатдан ишлаб чиқилган тадқиқот тизими мазмунининг хусусиятлари жиҳатидан белгиланди.

Юқоридаги жадвал натижаларига асосланган ҳолда, стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларнинг ривожланганлигини қуйидагича таҳлил қилиш имконини берди:

Талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришга мўлжалланган матнни таҳлил қилиш ва шарҳлаш даражалари тажриба гуруҳида-98%;

-ўқиган ёки тинглаган матнни қисқача мазмунини баён этиш- 99%;

-ўрганилган мавзуда чиқиш қилиш- 94%;

-ижтимоий –сиёсий матнларни ўқиб, шарҳлаб бериш -96%. Демак, биз тавсия этаётган методика самарали экан.

Тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришларини Стьюдент ва Пирсоннинг χ^2 математик статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовда жами 583нафар талаба ҳамда 74 нафар профессор- ўқитувчилар қатнашди.

Иккита бош тўпламдаги, яъни бири тажрибадан кейин ўқитувчилар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса тажрибадан олдин ўқитувчилар билимининг ўртача баллари, шунингдек, талабаларнинг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача баллари сарҳисоб қилинди.

Қуйидаги жадваллар асосида респондентларнинг тажрибадан кейинги ва тажрибадан олдинги ҳамда талабаларнинг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотеза танланди(3.2; 3.3-жадвалга қаранг):

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва талабалар сонини мос равишда $X_{i n_i}$ лар ва шу каби назорат гуруҳидагисини эса $Y_{j n_j}$ лар орқали, шунингдек, тажриба якунидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқитувчилар сонини мос равишда $X_{i n_i}$ лар ва шу каби тажриба

бошидагисини эса $Y_j n_j$ лар орқали белгилаб олиб, қуйидаги статистик гуруҳланган вариацион қаторларга эга бўламиз, шунингдек, аъло баҳо 5 балл билан, яхши баҳони 4 балл билан, қониқарли баҳо 3 балл билан ва қониқарсиз баҳо 2 балл билан, шунингдек, ўқитувчиларда юқори кўрсаткич 4 балл билан, ўрта кўрсаткич эса 3 балл билан ва қуйи кўрсаткич 2 балл билан белгиланади.

Талабаларда:

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$n = \sum_{i=1}^4 n_i = 296$$

Назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$m = \sum_{i=1}^4 m_i = 297$$

Ўқитувчиларда:

Тажриба якунидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 49; & 39; & 12 \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 100$$

Тажриба бошидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} Y_i & 3; & 2; & 1; \\ m_i & 34; & 33; & 33; \end{cases} \quad m = \sum_{i=1}^3 m_i = 100$$

3.3-жадвал (а)

Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларнинг ривожланганлиги кўрсаткичлари (тажриба боши)

Гуруҳлар	Талабала	Ўзлаштиришдаражалари
----------	----------	----------------------

	р сони	Аъло	Яхши	Қониқарли	Қониқарси з
Тажриба гуруҳи	291	62	97	112	20
Назорат гуруҳи	292	31	43	175	43
Жами	583				


3.3-жадвал (б)

Стрим технологиялари асосида талабаларда фанга оид компетенцияларнинг ривожланганлиги кўрсаткичлари (тажриба якуни)


Гуруҳлар	Талабала р сони	Ўзлаштиришдаражалари			
		Аъло	Яхши	Қониқарли	Қониқарси з
Тажриба гуруҳи	291	109	110	72	-
Назорат гуруҳи	292	71	131	80	10
Жами	583				

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва талабалар сонини мос равишда $X_{i;n_i}$ лар ва шу каби назорат гуруҳидагисини эса $Y_{j;n_j}$ лар орқали, шунингдек, тажриба якунидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқитувчилар сонини мос равишда $X_{i;n_i}$ лар ва шу каби тажриба бошидагисини эса $Y_{j;n_j}$ лар орқали белгилаб олиб, қуйидаги статистик гуруҳланган вариацион қаторларга эга бўламиз, шунингдек, “аъло баҳо- 5 балл билан, “яхши” баҳони -4 балл билан, “қониқарли” баҳо -3 балл билан ва “қониқарсиз” баҳо 2 балл билан, шунингдек, ўқитувчиларда юқори кўрсаткич 4 балл билан, ўрта кўрсаткич эса 3 балл билан ва қуйи кўрсаткич 2 балл билан белгиланди.

Бу танланмаларга мос келган диаграмма куйидагича кўринишни олади (3.3-расмга қаранг):



3.3-расм. Назорат ва тажриба гуруҳлари талабаларининг ўзлаштириш кўрсаткичи.



3.4-расм. Назорат ва тажриба гуруҳлари ўқитувчиларининг стриминг технологияларини ўзлаштириш кўрсаткичи.

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва n_j такрорийлик (частота)ларни мос статистик

эҳтимоллик формулалари $p_i = \frac{n}{n_i}$ ва $q_j = \frac{m}{m_j}$ асосида ҳисоблаймиз.

Талабаларда:

Тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} X_i & 4; & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 0,4; & 0,27; & 0,25; & 0,08 \end{cases} \sum_{i=1}^4 P_i = 1$$

Назорат гуруҳидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} Y_j & 4; & 3; & 2; & 1; \\ m_j & 0,26; & 0,26; & 0,25; & 0,23 \end{cases} \sum_{j=1}^4 q_j = 1$$

Ўқитувчиларда:

$$(3) \begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 0,49; & 0,39; & 0,12; \end{cases} \sum_{i=1}^3 P_i = 1$$

$$(4) \begin{cases} Y_i & 3; & 2; & 1; \\ m_i & 0,34; & 0,33; & 0,33; \end{cases} \sum_{i=1}^3 q_j = 1$$

Статистик таҳлилни тажрибадан олдинги ва кейинги натижалар бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

Талабаларда:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=4} P_i X_i = 0,47 \cdot 4 + 0,23 \cdot 3 + 0,22 \cdot 2 + 0,08 \cdot 1 = 1,88 + 0,69 + 0,44 + 0,08 = 3,09$$

$$\bar{X}\% = \frac{3,09}{4} \cdot 100\% = 77,25\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^{n=4} q_j Y_j = 0,26 \cdot 4 + 0,26 \cdot 3 + 0,25 \cdot 2 + 0,23 \cdot 1 = 1,04 + 0,78 + 0,5 + 0,23 = 2,55$$

$$\bar{Y}\% = \frac{2,55}{4} \cdot 100\% = 63,75\%$$

Ўқитувчиларда:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i = 0,49 \cdot 3 + 0,39 \cdot 2 + 0,12 \cdot 1 = 1,47 + 0,78 + 0,12 = 2,37$$

$$\bar{X}\% = \frac{2,37}{3} \cdot 100\% = 79\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{i=1}^{n=3} q_j Y_j = 0,34 \cdot 3 + 0,33 \cdot 2 + 0,33 \cdot 1 = 1,02 + 0,66 + 0,33 = 2,01$$

$$\bar{Y}\% = \frac{2,01}{3} \cdot 100\% = 67\%$$

Демак, тажриба ва назорат гуруҳидаги талабаларда ўртача ўзлаштириш $(77,25 - 63,75)\% = 13,5\%$ га юқори эканлигини, бу ўз

навбатида $\frac{77,25\%}{63,75\%} = 1,21$ баробар ортиқлигини ҳамда ўқитувчиларда

тажриба якунидаги ва бошидаги ўртача ўзлаштириш $(79 - 67)\% = 12\%$ га

юқори эканлигини, бу эса ўз навбатида $\frac{79\%}{67\%} = 1,18$ баробар ортиқлигини англатади.

Ўзлаштиришни аниқлаш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаш мақсадида дастлаб ўртача квадратик ва стандарт хатоликларни аниқлаймиз.

Ўртача квадратик хатолик талабаларда:

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^{n=4} P_i X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,4 \cdot 4^2 + 0,27^2 + 0,25 \cdot 2^2 + 0,08 \cdot 1^2 - 3,09^2 = 0,4 \cdot 16 + 0,27 \cdot 9 +$$

$$+ 0,25 \cdot 4 + 0,08 \cdot 1 - 9,5481 = 6,4 + 2,43 + 1,0 + 0,08 - 9,5481 = 9,91 - 9,5481 = 0,3619$$

$$S_y^2 = \sum_{i=1}^{n=4} q_j Y_j^2 - (\bar{Y})^2 = 0,26 \cdot 4^2 + 0,26 \cdot 3^2 + 0,25 \cdot 2^2 + 0,23 \cdot 1^2 - 2,55^2 = 0,26 \cdot 16 + 0,26 \cdot 9 +$$

